

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг солиқ тўлаши устидан назорат кучайтирилди

Вазирлар Маҳкамасининг 10.09.2018 йилдаги 720-сон қарори билан табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлашнинг ҳамда давлат бюджети даромадларини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тасдиқланди.

Ҳужжатда фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасидаги қатор камчиликлар санаб ўтилган. Улар сирасида норуда фойдали қазилма бойликларни қазиб олувчи ташкилотларнинг рўйхати ва улар томонидан қазиб олинган фойдали қазилмалар захиралари ҳажмининг ягона интеграциялашган идоралараро электрон базаси мавжуд эмаслиги кўрсатилган. Бундан ташқари, қазиб олинган норуда фойдали қазилмалар миқдорини ҳисоботларда камайтириб кўрсатиш ҳолатлари аниқланмоқда, бу эса солиқ суммаларининг тўлиқ ҳисобланишига салбий таъсир кўрсатмоқда (Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарорнинг 14-ило-васида белгиланган).

Маълумот учун: норуда фойдали қазилмалар — табиий кўринишда ёки хом ашё сифатида саноат ва қурилишда фойдаланиладиган нометалл фойдали қазилмалар (минераллар ёки тоғ жинсларига кириши мумкин).

1.03.2018 йилдаги ПҚ-3578-сон қарорга мувофиқ, жорий йил 1 августдан бошлаб қазиб олиш ҳажмлари тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари қабул қилади.

Илғор технологиялар маркази резидентларига солиқ ва божхона имтиёзлари

Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари Вазирлар Маҳкамасининг 11.09.2018 йилдаги 721-сон қарорида назарда тутилган.

Биринчидан, Инновацион ривожланиш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маҳаллий илмий ишланмаларни жорий қилиш ва тижоратлаштиришнинг кўзда тутадиган илмий стартапларга грантлар ёки фойзсиз қарз ажратади. Бунда инвесторлар камида 30% миқдорда ўз маблағларини киритишлари лозим.

Жамғарма Фан ва технологиялар бўйича Давлат комиссияси ҳузуридаги Илмий-техник фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси негизда Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида (29.11.2017 йилдаги ПФ-5264-сон Фармони) ташкил этилган.

Иккинчидан, Илғор технологиялар маркази тузилмасида Инновацион стартап-акселератор ва стартап-инкубатор ташкил қилинади. У ерда юқори

Шу сабабли энди барча ер қаъридан фойдаланувчи ташкилотлар ҳар йили бир марта йиллик қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажмлари тўғрисида маркшейдерлик ҳулосасини тузадилар (унинг шакли *ВМнинг 10.09.2018 йилдаги 720-сон қарорига иловада кўрсатилган*). Унда қуйидагиларни кўрсатиш зарур: ер қаъридан фойдаланувчининг ва маркшейдерлик хизмати ташкилотининг номлари, фойдали қазилма участкасининг жойлашган жойи, фойдали қазилма тури, ҳисобот даври бошидаги ва охиридаги захиралар миқдорлари, қазиб олинган миқдор ва бошқалар. Ҳулосани ер қаъридан фойдаланувчи ва маркшейдерлик хизмати имзолаши лозим.

Маълумот учун: фойдали қазилма конлари қазилиши, фойдали қазилмалар қазилш қорхоналарини пойиҳалаш ва қурилиш амалга оширувчи қорхоналар тузилмасида маркшейдерлик хизмати бўлиши шарт. Махсус усуллар ва техник воситалар қўлланилишини талаб қилувчи капитал маркшейдерлик ва топография-геология ишлари эса қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан бажарилади.

Ҳулоса кон-геология фаолиятини назорат қилиш ҳудудий инспекцияларига тақдим этилади. Жорий

йилда маълумотларни 15 декабрга қадар, 2019 йилдан бошлаб эса ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартига қадар тақдим этиш зарур.

Жорий йил охиригача қазиб олинган норуда фойдали қазилмалар ҳажмлари тўғрисидаги барча маълумотларни бирлаштирувчи ер қаъридан фойдаланувчиларнинг электрон базаси яратилади. Тизим ДСҚ маълумотлар базасига интеграция қилинади ва 1.01.2019 йилга қадар унга барча тўпланган ҳулосаларни хатлаш натижалари киритилади.

Ҳулосада тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигини назорат қилиш Инспекция ва ДСҚ зиммасига юклатилган. Улар ҳақиқатда қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажмини бир йилда 2 маротабадан ошмаган ҳолда мониторинг қиладилар.

Мониторинг жойларга борган ҳолда, солиқ тўловчи фойдаланадиган объектларда ва ҳудудларда унинг мансабдор шахслари иштирокида, маълумотнома билан расмийлаштириш орқали амалга оширилади. ДСҚга солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш вазифаси топширилди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 12.09.2018 йилдан кучга кирди.

офис хоналари имтиёзли шартларда 2 йил мuddатга ижарага тақдим этилади (Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда давр 5 йилгача узайтирилиши мумкин).

Илғор технологиялар маркази (19.04.2018 йилдаги ПҚ-3674-сон қарор) «Юқори технологиялар ўқув-экспериментал маркази» Давлат қорхонаси негизда ташкил этилган.

Бундан ташқари, Илғор технологиялар маркази резидентлари 2022 йил 1 январгача қуйидагилардан озод қилинди:

- ер солиғи;
- фойда солиғи;
- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;
- ягона солиқ тўлови;
- ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган хом ашё ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари).

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 13.09.2018 йилдан кучга кирди.



Ленара Хикматова, Самир Латипов, «Norma» МЧЖ экспертлари.

Ушбу
сонда:

4-БЕТ

Ходимни ишдан бўшатаётганда иш берувчи йўл қўядиган 5 хато

6-БЕТ

Сершовкин кўшнилари: тартибга қандай келтириш мумкин

7-10-БЕТЛАР

Пенсия ислохотларидан кутилаётган натижа

12-БЕТ

Бузилган товарни утиллатириш

Онлайн-НКМ октябрдан жорий этилади

Онлайн-НКМни жорий этиш бўйича пилот лойиҳани 1.10.2018 йилдан 1.03.2019 йилгача ўтказиш режалаштирилмоқда. Унинг якунларига кўра эса мамлакатимиз ҳудудида тизимни жорий этиш юзасидан қарор қабул қилинади.

ҚХТБТ порталида Вазирлар Маҳкамасининг республикада онлайн-НКМ тизимини пилот тариқасида ишга туширишга йўналтирилган қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Лойиҳани амалга ошириш ва унинг услубий кузатувини таъминлаш учун Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги масъул бўлиши кўзланмоқда.

Пилот лойиҳада иштирок этиш ихтиёрий бўлади. Бунинг учун тadbirkorлик субъектлари солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали фискал модулни рўйхатдан ўтказиш олади.

Лойиҳа иштирокчиларининг мажбуриятлари қайд этилган.

«Fiskal Ma'lumotlarni Avtomatizatsiyalash Tizimi» МЧЖ (фискал модульлар оператори):

➤ пилот лойиҳа ўз маблаглари ҳисобига, давлат бюджетидан маблағларини жалб этмасдан ўтказилишини таъминлайди;

➤ онлайн-НКМдан фойдаланувчиларни зарур дастурий ва техник ресурсга эга фискал модульлар билан бепул асосда таъминлайди;

➤ онлайн-НКМдан олинган бошланғич маълумотларни реал вақт режимида ДСҚга тўлиқ ҳажмда узатади;

➤ реал вақт режимида олинган фискал маълумотларни куну тун, доимий ва бепул асосда қабул қилади, ишлов беради, сақлайди ва пакетлайди;

➤ ДСҚ фискал маълумотлардан реал вақт режимида фойдаланишини таъминлайди;

➤ фискал маълумотларга автоматлаштирилган режимида узлуксиз ишлов берилишини таъминлайди;

➤ фискал модульдан фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

➤ шу жумладан электрон фискал ҳужжатлар тарзидagi фискал маълумотлар тузатиш киритилмаган ҳолда ёзилиши ва сақланишини таъминлайди (пилот лойиҳани амалга ошириш даврида);

➤ Интернет тармоғида расмий веб-сайтга эга бўлиш, унда QR-код орқали онлайн-НКМ касса чеки ҳақиқийлигини текшириш мумкин;

➤ пластик карталар воситасида тўловларни қабул қилувчи онлайн-НКМдан фойдаланиш имконини таъминлайди;

➤ фискал маълумотларга ишлов бериш чоғида уларни модификациялайди (тузатади), шахсизлантиради, блоктироқлайди, йўқотади ва йўқ қилиш имкониятини истисно этади.

Фискал модульлар оператори (ФМО) ДСҚ ва Ахборот коммуникациялари вазирлиги томонидан белгиланадиган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат солиқ қўмитаси:

➤ онлайн-НКМдан бошланғич маълумотлар реал вақт режимида қабул қилиниши ва тўлиқ ҳажмда сақланишини таъминлайди;

➤ фойдаланувчилар белгиланган тартибга мувофиқ рўйхатдан ўтказилишини таъминлайди;

➤ пилот лойиҳа иштирокчилари, ФМ ва онлайн-НКМ ўртасида ахборот айирбошлаш баённомалари ҳақидаги ахборотни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади;



➤ ФМО билан биргаликда пилот лойиҳада иштирок этаётган фойдаланувчиларни ишлаб чиқарувчилар ўртасида тенг миқдорда тақсимлайди.

Лойиҳа иштирокчиси бўлган тadbirkorлар:

➤ фойдаланилаётган ФМни солиқ тўловчининг шахсий кабинетида рўйхатдан ўтказиш;

➤ пилот лойиҳа даврида савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги пуллик ҳисоб-китобларни фақат ФМга эга онлайн-НКМ орқали амалга оширади;

➤ онлайн-НКМ бузилганда ва (ёки) фойдаланишдан чиқарилганда давлат солиқ хизмати органларини бундан хабардор қилади;

➤ онлайн-НКМ Интернет тармоғига узлуксиз ула-нишини таъминлайди.

Усуналарни ишлаб чиқарувчилар:

➤ фискал маълумотларни модификациялайди (тузатади), шахсизлантиради, блоктироқлайди, йўқотади ва йўқ қилиш имконини берувчи дастурий таъминот қўлланишга йўл қўймайди;

➤ онлайн-НКМга техник хизмат кўрсатиш ва уни ишлатиш чоғидаги эҳтимолий қийинчиликларни тезкор ҳал этади;

➤ касса чекининг алоҳида ажратилган жойида кодланган кўринишдаги касса чекини текшириш реквизитларини (ҳисоб-китоб амалга оширилган сана ва вақт, фискал ҳужжатнинг тартиб рақами, ҳисоб-китоб аломати, ҳисоб-китоб суммаси, ФМ завод рақами) ўз ичига олган икки ўлчамли штрихли код (камиди 20 x 20 мм ўлчамли QR-код) шаклланишини таъминлайди, Интернет тармоғида веб-сайт манзилини албатта кўрсатади, унда QR-код орқали берилган чекнинг ҳақиқийлигини текшириш мумкин;

➤ қуйидаги маълумотлар чекларда бўлишини ва автоматлаштирилган режимида узатилишини таъминлайди: чекнинг тартиб рақами; тadbirkorлик субъектининг номи; тadbirkorлик субъектининг идентификация рақами; пуллик ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган манзил; товар/хизмат номи; тўлов суммасининг тури: нақд пулда ёки пластик карта воситасида; якуний тўлов суммаси; тўлов санаси ва вақти; фискал модульнинг ноёб рақами; берилган чекнинг ҳақиқийлигини текшириш учун QR-код.

Қарор билан лойиҳа доирасида фойдаланиладиган усуналарга доир техник талабларни тасдиқлаш режалаштирилмоқда.

ҚХТБТ порталида Хўжалик юритувчи субъектларда товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан тушумлар ва ходимлар сони хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси эълон қилинди.

Хронометраж тартибида нималар ўзгарилади

2018 йил 1 октябрдан солиқ органлари хронометраж натижаларига кўра охириги ҳисобот даври учун товар (иш, хизмат)лар реализациясидан камайтириб кўрсатилган тушумни ва ходимлар сонини қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда солиқларни ҳисоблашни амалга ошириш ҳақида талабнома юбориш ҳуқуқига эга бўлади. Камайтириб кўрсатиш такроран аниқланганда, ушбу ҳаракатлар солиқ тўлашдан бўйинтовлаш сифатида малакаланади (Президентнинг 26.06.2018 йилдаги ПҚ-3802-сон қарори).

Ишлаб чиқилган ҳужжатда юқорида кўрсатилган қарорни амалга ошириш механизми белгиланган. Шуни қайд этиб ўтаемизки, лойиҳани тайёрлаш босқичида хронометраж натижаларини баҳолаш чоғида сотувларнинг мавсумийлигини ҳисобга олиш зарурлиги юзасидан фикр билдирилган эди. Шунингдек, такроран камайтириб кўрсатишга солиқ тўлашдан бўйинтовлаш учун жавобгарликка тортиш учун асос сифатида қарама-қарши керак – буни тегишли текширувлар билан тасдиқлаш зарур. Мазкур далиллар ишлаб чиқувчиларнинг позициясига мос келди.

Хронометраж нималарни қамраб олади, қаерда ўтказилади

Лойиҳада сотилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар реализациясидан тушумнинг ҳисоботдаги ва ҳақиқий миқдори, шунингдек ходимларнинг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида хронометраж ўтказилишини белгилаш таклиф этилмоқда. Шу тариқа, ҳозир ходимлар сони фақатгина ўтказилган хронометраж тўғрисидаги маълумотлар жадвалида акс эттирилса, эндиликда унинг тўғридан-тўғри объектига айланади. Шу сабабли солиқ органларига нафақат назорат-касса машиналари ва тўлов терминалларидан фискал маълумотларни олиш, балки солиқ тўловчиларда меҳнат шартномаси тузган ёхуд тузмаган ҳолда ишловчи шахслар тўғрисида маълумотларни талаб қилишга рухсат берилади.

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларнинг қайси объектларида хронометраж ўтказилиши юзаси-

Эълонлар

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – инсталланган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-бет**

• НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР

– Онлайн-НКМ октябрдан жорий этилади

– Хронометраж тартибида нималар ўзгарилади

– Текширувлар, хронометраж ва камерал назоратдан солиқ органларига кўпроқ маблаг келиб тушади **2-3-бетлар**

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ишдан бўшатиладиган ходимга бошқа ишни қандай қилиб тўғри таклиф этиш мумкин

– Пенсия – сугурта бадалларисиз **4-5-бетлар**

• ШАХСИЙ МАНФААТ

– Квартирани сотмоқчиман

– Алимент тўлаш: шартларни қандай ўзгариши мумкин **5-бет**

• СИЗНИНГ ҲУҚУҚИНГИЗ

– Муассислардан бири вафот этди: улуш кимга тегади?

– Қанон тинчликни бузиш мумкин **6-бет**

• ПЕНСИЯ ИШИ

– Бадал тўламаган бўлсангиз – стажга эга бўлмайсиз

– Махсус стажга эга бўлса

– Ёлғиз ўзи

– Пенсияга чиқиш вақти келдимиз?

– Кўпи ҳисобга олинмайди

– Пенсия ёшини ошириш таклиф этилмоқда

– Пенсия – сугурта бадалларисиз

– Барча ишловчи пенсионерларга – тўлиқ пенсия

– Фарзандли бўлганингизда

– Пенсия ва нафақаларни олувчилар учун интерактив хизматлар йўлга қўйилди **7-10-бетлар**

• ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Ўзгаришлар ҳақида ДСИга хабар бериш

– АВ қиймати лимити: қўллаш тартиби

– Воситачилик савдоси: йўл қўйиладиган четга чиқишлар

– Бузилган товарлардан қўтилиш йўли

– Ташвиш шартномаси: ЕММ ҳақидаги шарт қандай акс эттирилади

– Дори-дармон – фақат дорихоналарда

– Тўлиқ ширкат устав капиталини қўлайтирмоқчи **11-12-бетлар**

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Паспорт йўқотганда нима қилиш керак

– Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан кимлар Ўзбекистон минтақаларида прописка қилиниши мумкин

– Текшириш ўтказиш ҳақида ариза

– Онамнинг квартираси

– Паспортдаги хато

– Муаммосиз уйга етиб олиш учун

– Бир том остида **13-14-бетлар**

• АВТОНОРМА

– Авто ойнасининг тусини ўзгариштиришга рухсатнома қандай олинади

– Хорижий автоташувчиларнинг ХЙТ тартибидан фойдаланиши нима сабабдан тақиқланиши мумкин **15-16-бетлар**

• ХОРИЖДА

– Хорижда: янги авлод ҳужжати

– Россияда е-ФЖМни расмийлаштириш тартиби соддалашди

– Электротранспорт назорат остида **15-16-бетлар**

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «НORMA» gazetalarini birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

дан аниқлик киритилмоқда. Булар — товарлар ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган, ишлар бажариладиган ёки хизматлар кўрсатиладиган объектлар. Бунда нафақат мулк, эгаллик қилиш ёки ижара ҳуқуқида ҳўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган объектлар, балки ҳўжалик юритувчи субъект пудрат шартномаси ёхуд бошқа шартнома асосида ўз фаолиятини юритадиган жойлар ҳақида ҳам сўз бормоқда. Масалан, буюртмачиларга тегишли қурилиш майдончалари.

Хронометраж ўтказиш учун асослар

2 турдаги фарқланишни хронометраж учун ҳақиқий асос этиб белгилаш тақлиф қилинмоқда:

- товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан тушумлар ҳақидаги;
 - ҳақиқатда ишловчи ходимлар ҳақидаги.
- Бунда олдиндан номувофиқликлар изланадиган ахборот манбалари белгиланган:
- солиқ тўловчиларни паспортлаштириш давомида тузилган ҳужжатлардаги шубҳали маълумотлар;
 - ҳўжалик юритувчи субъектлар давлат солиқ хизмати органларига тақдим этган ҳисоботлар, ахборот ва бошқа маълумотлар;
 - муайян давр учун топширилган ҳисоботларда кўрсатилган тушумлар билан тижорат банкидаги ҳисоб-китоб счётига келиб тушган пул маблағлари ўртасидаги номувофиқлик.

Қуйидагилар ўша ҳўжалик юритувчи субъектда тақдоран хронометраж ўтказиш учун асос бўлади: хронометраж ўтказилгандан кейинги кунларда товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан тушумнинг кескин пасайиши, шунингдек ҳисоботларда кўрсатилган ҳўжалик юритувчи субъект ходимларининг сони камайиши. Тегишли динамика солиқ органлари томонидан мунтазам кузатиб борилади.

Ҳозир бўлганидек, давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёхуд унинг ўринбосари қабул қилган буйруқ хронометраж ўтказиш учун юридик асос бўлади.

Бу — муҳим! Хронометраж махсус ваколатли орган (Бош прокуратура) билан келишмай ва текширишларни рўйхатга олиш китобида қайд этилмай ўтказилади.

Хронометраж ўтказиш тартиб-таомили

Уни ўтказишнинг аниқ муддатларини солиқ тўловчининг иш режими ва фаолият турига қараб 1 иш кунидан 5 иш кунигача этиб белгилаш тақлиф этилмоқда.



Ҳўжалик юритувчи субъект нақд пул тушумига эга бўлмаса, фақат ходимлар сони хронометражи ўтказилади.

Тафовутлар топилганда ҳўжалик юритувчи субъектга хронометраж аниқланган ўртача ойлик товар айланмасининг энг кам қийматидан келиб чиқиб, охириги ҳисобот даври учун қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда солиқларни ҳисоблашни амалга ошириш ҳақида талабнома киритилади. Ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти мавсумий тусга эга бўлганда — ўртача кунлик тушумдан ҳисоблаб чиқарилган энг кам ўртача ойлик тушумдан келиб чиқилади.

Тақдорий хронометраж давомида қонунбузарликлар аниқланса, махсус ваколатли органларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш далили юзасидан текширув ўтказишни сўраб илтимосномалар киритилади. Солиқ тўловчи бошқа шахслар номига, бошқа манзил ёхуд фаолият тури бўйича рўйхатдан ўтказилган НКМ ёки тўлов терминидан фойдаланганда ҳам шундай йўл тутилади.

Текширувлар, хронометраж ва камерал назоратдан солиқ органларига кўпроқ маблағ келиб тушади

Солиқларни қўшимча ҳисоблаш ва улар бўйича жарима санкцияларини қўллашдан тушган маблағларни ДСҚ фойдасига қайта тақсимлаш муҳокама қилинмоқда. Ҳукумат қарорининг тегишли лойиҳаси ҚХТБТ порталида жойлаштирилган.

Эслатиб ўтамиз, ДСҚнинг Моддий ёрдам, ижтимоий муҳофаза, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси бор (ВМнинг 12.01.1998 йилдаги 14-сон ва 2.04.2010 йилдаги 62-сон қарори).

Унга тушадиган тушумларни қуйидагилар ҳисобига ошириш тақлиф этилмоқда:

- текширишлар натижасида қўшимча ундириб олинган суммалар (шу жумладан пенялар) ҳамда солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун солинган молиявий жазо чоралари ва маъмурий жарималар суммаларини 25%дан 40%гача ошириш. Бунда ушбу суммалар солиқчилар аниқлаган далиллар бўйича суд ёки Мажбурий ижро бюроси томонидан ундирилган бўлса ҳам, солиқ органлари пул маблағларини оладилар. Бироқ қонунбузарликлар Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаменти томонидан фош этилган бўлса, солиқ идораси пул олмайди (улар Департаментнинг бюджетдан ташқари жамғармасига йўналтирилади);



➤ хронометраж ва камерал назорат натижасида қўшимча ундириб олинган суммаларнинг 10%ини махсус жамғармага йўналтириш.

Аввалгидек, солиқ органлари томонидан мусодара қилинган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотиш суммасининг 25%и ҳам Жамғармага келиб тушади.

Фармацевтика соҳасини ривожлантиришда олимлар фаол иштирок этадилар

Фанлар академияси фармацевтика соҳаси учун янги технологиялар ва маҳсулотлар яратиш бўйича комплекс дастурни ишлаб чиқди. Лойиҳа ҚХТБТ порталида муҳокама қилинмоқда.

Етарли маблағ билан таъминламаганлик ва мақсадли дастурнинг мавжуд эмаслиги фармацевтика саноати илмий-техник жиҳатдан ва экспорт салоҳияти ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омил бўлаётганлиги кўрсатилди.

Турли соҳа мутахассисларининг саяй-ҳаракатлари бирлаштирилса, янги дори препаратлари, дори-вор шакллари, генериклар субстанцияларини олиш технологиялари ва тиббиёт буюмларини яратишга комплекс ёндашуви ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкони юзага келади.

Қуйидагиларни тадқиқотлар ўтказишга жалб этиш режалаштирилмоқда:

- Фанлар академиясининг илмий муассасалари;
 - Инновацион ривожланиш вазирлигининг илмий муассасалари;
 - Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг илмий ва олий таълим муассасалари;
 - Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий ва олий таълим муассасалари, ихтисослаштирилган марказлари.
- Инновацион ривожланиш вазирлигини дастур доирасида ўтказиладиган барча тадқиқотларнинг ягона давлат буюртмаси этиб белгилаш тақлиф этилмоқда. Унинг ўзи илмий ишланмаларни танлов асосида саралаб олади, шунингдек инновацион илмий асбоб-ускуналарни танлов асосида харид қилади.

Қуйидагилар дастурни молиялаштириш манбалари этиб белгиланиши мумкин:



➤ идоравий бўйсунуви ва халқ ҳўжалиги соҳасидан қатъи назар, корхоналарнинг инновацион ривожланишига йўналтирадиган маблағлари;

Дастур доирасида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни бажариш қисмида Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш вазирлиги ўтказадиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

➤ юридик ва жисмоний шахслар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари белгиланган тартибда тақдим этадиган инвестициялар ва хайрия маблағлари;

➤ халқаро молия ташкилотлари ва институтларининг грантлари ва кредитлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Лойиҳалар ўзгартирилиши, уларга қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этимиз

Тошкент ш., Миробитимани, Таълимаржон кўча, 1/1.

Тел.: (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



Ишдан бўшатиладиган ходимга бошқа ишни қандай қилиб тўғри таклиф этиш мумкин

Иш берувчи таклиф этиши керак бўлган бошқа ишга ўтказишлар орасида меҳнат шартномасини бекор қилиш ўрнига бошқа ишга ўтказиш алоҳида ўрин эгаллайди. Бошқа ишни таклиф этиш ва ходимнинг бошқа ишга ўтишдан бош тортишини қандай қилиб тўғри расмийлаштириш, мазкур тартиб-таомилнинг ўзига хос жиҳатлари ва бунда кўп йўл қўйиладиган хатолар ҳақида «Норма» МЧЖ эксперти Ленера Хикматова сўз юритади.

Меҳнат кодексининг 92-моддасига мувофиқ, иш берувчи қуйидаги ҳолларда ишдан бўшатиш ўрнига ходимга бошқа ишга ўтишни таклиф этиши шарт:

1) ходимлар сони (штати) қисқариши ёки иш хусусиятининг ўзгариши муносабати билан меҳнат шартномаси келгусида бекор қилиниши (МКнинг 100-моддаси 1-қисми);

2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишга нолойиқ бўлиб қолиши (МКнинг 100-моддаси 2-қисми);

3) корхонанинг янги мулкдори аввалги корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари ёки бош бухгалтер билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши (МКнинг 100-моддаси 6-қисми);

4) шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг ишга тикланганлиги (МКнинг 106-моддаси 2-банди).

Яъни ушбу асосларга кўра меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал иш берувчи ходимни корхонада иш билан таъминлаш чораларини кўриши керак (бўш иш ўринлари мавжуд бўлганда). Мазкур тартиб-таомилни амалга ошириш чоғида кўп учрайдиган айрим жиҳатлар ва кенг тарқалган хатоларни кўриб чиқамиз.

1-ХАТО.

Бўш иш ўринлари таклиф этилмайди

Юқорида кўрсатилган асосларга кўра ишдан бўшатилаётган ходимларни иш билан таъминлаш меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳаққоний бўлишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Иш берувчи имкони бўла туриб ходимни бошқа ишга ўтказиш чораларини кўрмаган бўлса, ходим илгариги ишга тикланиши, иш берувчи эса жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бунда иш берувчи ходимга аввал мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни (ходим бажараётган ишга ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бир мунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни) таклиф этиши шарт. Бундай иш бўлмаган тақдирда эса, ҳатто қуйи ёки кам ҳақ тўланадиган бўлса ҳам, корхонада мавжуд бўлган бошқа иш таклиф этилади. Бўш иш ўринлари бўлмаган тақдирда ҳам, иш берувчи бу ҳақда ходимни огоҳлантириши шарт.

1-МИСОЛ. Моддий бўлим бухгалтерига лавозими қисқартирилиши муносабати билан кассир иши таклиф этилди. Айни пайтда ташкилотда ҳисоб-китоб бухгалтери лавозими бўш турган эди. Бу ҳолда иш берувчи ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат қилган, сабаби ходимни мутахассислиги бўйича ишга қабул қилиш имкони бор эди.

2-МИСОЛ. Ташкилотда ижтимоий сўғурта бўйича бош мутахассис лавозими қисқартирилаётган эди. Меҳнат шартномаси бекор қилинаётган пайтда фақат битта – ҳўжалик мудури лавозими бўш эди. Иш берувчи қисқартирилаётган ходимга бу ишни таклиф этмади, сабаби олий маълумотли ва тажрибаси катта мутахассисга ҳўжалик мудури бўлиб ишлашни таклиф этиш одобдан бўлмади деб ҳисоблади. Бунинг устига, ходим ундан бош тортади деб ўйлади. Бироқ ходим ишдан бўшатиладиган келгусида ишга тиклаш талаби билан судга мурожаат қилди. Даъво аризасида бўш иш ўрни борлигидан беҳабар бўлганини ва пенсияга чиқишига атиги икки йил қолганлиги, ёши сабабли бошқа иш топиши мушкуллиги сабабли ҳўжалик мудури бўлиб ишлашга рози бўлишини важ қилиб кўрсатди. Суд даъво аризасини қаноатлантирди, иш берувчи эса ишга тикланган ходимга мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлади. Бунинг устига, ҳўжалик мудури лавозимига қабул қилинган ходимни ишдан бўшатаётганда ишдан бўшатиш нафақасини тўлашига ҳам тўғри келди (МКнинг 109-моддаси).

2-ХАТО.

Бўш иш ўринлари фақат бир марта таклиф этилади

Бўш иш ўринлари бир неча марта таклиф этилиши керак. Ишдан бўшатилаётган ходимларга келгусида меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилган кундан бошлаб ишдан бўшатиладиган кунгача лавозимларни таклиф этиш зарур. Иш судда кўрилиши эҳтимолининг олдини олиш мақсадида сўнгги иш кунда ходимларга мос келадиган барча бўш иш ўринларини яна бир бор таклиф этган маъқул.

МИСОЛ. Қоровул штат бирлиги қисқартирилаётганда ходим бўш иш ўрни йўқлиги ҳақида огоҳлантирилди. Бироқ меҳнат шартномаси бекор қилинишидан бир кун аввал корхона боғбонни ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаш ҳақида ариза беради маълум бўлди. Гарчи боғбоннинг иши мос бўлиб, унга таклиф этилиши мумкин бўлса ҳам, иш берувчи қоровулнинг бундан хабардор қилмай, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилди. Судга мурожаат қилгандан кейин қоровул илгариги ишга тикланди ва боғбон ишга ўтказилди. Бунда ушбу ишга қабул қилинган ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга тўғри келди.

3-ХАТО.

Бошқа иш оғзаки равишда, ёзма расмийлаштиришсиз таклиф этилади

Амалдаги меҳнат қонунчилигида мавжуд бўш иш ўринларини мажбурий ёзма шаклда таклиф этиш ҳақида айтилмаган. Бироқ келгусида эҳтимолий низоларни ҳал қилишда иш берувчи ҳақиқатан бошқа ишни таклиф этганини ёхуд ходимни ишдан бўшатиш пайтида унда бўш ёки мос келадиган лавозимлар бўлмаганини исботлаши керак бўлади.

Шу сабабли бўш иш ўринларини ёзма шаклда таклиф этиш кераклигини англаш муҳим. Ходим бир неча касбни эгаллаганлигини ҳам ёдда тутиш лозим.



ходимга таклиф этиладиган бўш иш ўринлари рўйхатини тузаётганда унинг барча касбий кўникмаларини инобатга олиш зарур.

Мавжуд бўш иш ўринлари тўғрисидаги ёзма огоҳлантириш эркин шаклда расмийлаштирилади. Бунда қуйидаги қоидаларга риоя этишни маслаҳат берамиз:

➢ ҳар бир ходимга унинг ўзига аталган огоҳлантириш берилиши боис, унда унинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек лавозими тўлиқ кўрсатилган бўлиши керак;

➢ огоҳлантириш корхона бланкасида, тузилган санаси ва рақамини қайд этган ҳолда расмийлаштирилади;

➢ ҳужжатда ходимга таклиф этилаётган бўш иш ўринлари рўйхати келтирилиши, иложи бўлса маош ҳам кўрсатилиши керак;

➢ ходим бошқа ишга ўтишдан бош тортган тақдирда, иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини умумий асосларда бекор қилиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисидаги ахборотни ҳам қайд этган маъқул;

➢ огоҳлантиришни корхона раҳбари ёки ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс имзолайди;

➢ ходим тақдим этилган санани кўрсатган ҳолда огоҳлантириш олганлигини тасдиқлаб ҳужжат тагига имзо чеккани маъқул. Ходимнинг жавобини расмийлаштиришни осонлаштириш учун ходимнинг таклиф этилган лавозимларни эгаллашга розилик берганлиги ёки бермаганлиги ҳақида белги қўйиладиган сатрни ҳам киритиш мумкин.

4-ХАТО.

Ходимнинг таклиф этилган ишдан бош тортганлиги оғзаки қабул қилинади

Ходимнинг таклиф этилган бошқа ишдан бош тортганлиги тўғрисида оғзаки жавоб олиш, бошқа ишни оғзаки таклиф этиш сингари, амалдаги қонунчиликни бузиш ҳисобланмайди. Бироқ ходим билан эҳтимолий меҳнат низосида иш берувчи далил қилиб кўрсатиши учун мазкур тартиб-таомилни ҳам ҳужжатли расмийлаштиришни маслаҳат берамиз.

Ходимнинг бош тортишини бир неча усул билан расмийлаштириш мумкин.

1 вариант. Ходим ёзма шаклда бошқа иш таклиф этилган ҳужжатда тегишли ёзувни қайд этиб, ўз қарорини баён этиши мумкин. Масалан: «Таклиф этилган бўш иш ўринларига ўтишдан бош тортаман».

II вариант. Ходимдан корхона раҳбари номига ёзилган бошқа ишга ўтказишдан бош тортиш ҳақида ариза олиш. Бундай аризининг бирхиллаштирилган шакли йўқ, шу сабабли эркин шаклда тузилади. Унинг матни қуйидагича бўлиши мумкин: «Менга бошқа ишга ўтказиш таклиф этилди, таклиф этилган



ишдан бош тортман». Ходимнинг аризаси тегишли хужжатларни рўйхатга олиш журналида рўйхатдан ўтказилади.

III вариант. Ходим муайян сабабларга кўра рад жавобини ёзма равишда қайд этишдан бош тортса, бир неча ходим ҳозирлигида далолатнома тузиш мумкин. Далолатномада ходимга бошқа иш таклиф этилганлиги ва у ишдан бош тортганлиги ёхуд ходим умуман жавоб бермаганлиги далили тасдиқланиши лозим.

Ходимнинг бошқа ишга ўтишдан бош тортиши меҳнат шартномасини умумий асосларда бекор қилиш учун асос ҳисобланади.

5-ХАТО.

Филиаллардаги бўш иш ўринларини таклиф этса бўладими?

Амалдаги қонунчилик бу саволга аниқ жавоб бермайди. Шу сабабли уни ҳал қилиш масаласи долзарблигича қолмоқда ва кўп мутахассисларни, аввало кадрлар хизматини ташвишга солмоқда. Бир томондан, филиал мустақил иш берувчи бўлиши (МКнинг 15-моддаси), унинг раҳбари эса, ишончномада бу нарса қайд этилган бўлса, ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Шу билан бирга, Фуқаролик кодексининг 47-моддасига мувофиқ, филиал юридик шахс ҳисобланмайдиган, фақат қорхонанинг алоҳида таркибий бўлинмаси мақомига эга бўлади ва у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб боради.



Ушбу жиҳатлар ҳисобга олинса, ўзига хос кадрлар сиёсати юритиладиган алоҳида бўлинмадаги ишни ходимга таклиф этиш мажбурийлиги шубҳа туғдиради. Фикримизча, қорхона бу масалани локал тартибда – филиал тўғрисидаги низомнинг ўзида ёки жамоа шартномасида тартибга солиши мумкин.

Бошқа мамлакатлар амалиётига мурожаат қилсак, масалан, Россия Федерацияси Меҳнат кодекси иш берувчига қонунчилик талабларига жавоб берадиган, мазкур ҳудудда унда мавжуд бўлган барча бўш иш ўринларини ходимга таклиф этиш мажбуриятини юклайди. Ўйини бунда яқин орадаги филиаллар ҳақида сўз бораётгани аниқ.

! Меҳнат қонунчилигидаги ушбу камчиликни бартараф этиб, мазкур масала ечимини қонунда аниқ белгилаш зарур деб ҳисоблаймиз.

Квартирани сотмоқчиман

Ёлпасига хусусийлаштириш даврида 2 хонали квартира хусусийлаштирилган, унда тўрт кишидан иборат оила (эр – I гуруҳ ногирони, хотини ва иккита вояга етмаган фарзанди) прописка қилинган эди. Айти пайтда бу квартирада ҳеч ким яшамайдиган, унда истиқомат қилганлар бошқа манзилда прописка қилинган.

Ушбу (илгари хусусийлаштирилган) квартирани бошқаларга ўтказиш учун қандай ҳужжатларни қарерга тақдим этиш лозим?

– Хусусийлаштирилган квартира мулкдори ёки унинг ишончли вакили уни бошқаларга ўтказиш битимини амалга оширишга ҳақли. Булар олди-сотди, айирбошлаш ёки ҳада шартномалари бўлиши мумкин. Мулкдор ушбу шартномаларнинг қайси бирини тузмокчи эканлигидан қатъи назар, у **нотариал тасдиқланган бўлиши керак** (ФКнинг 488, 497, 504-моддалари).

Шартномани нотариал тасдиқлаш учун нотариусга қуйидагиларни тақдим этиш зарур:

- паспорт ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;
- хусусийлаштирилган квартирага мулк ҳуқуқини тасдиқловчи давлат далолатномаси ёхуд маҳаллий давлат ҳокимияти органнинг қарори – квартиранинг кадастр ҳужжатлари йиғмажилди;
- квартиранинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахсларнинг нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилиги (агар хусусийлаштириш «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганга қадар амалга оширилган бўлса, бундай розилик талаб этилмайди);
- ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат қорхонасининг тегишли туман (шаҳар)даги филиалининг маълумотномаси;
- Хусусийлаштирилган қорхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг

ҳудудий органларидан (Тошкент шаҳрида – Тошкент шаҳрида уй-жойга давлат ордерлари ва маълумотлар бериш маркази) ДУҚдан) олинган квартирани хусусийлаштиришга розилик берган шахслар тўғрисида маълумотнома;

➢ квартирада доимий прописка қилинган шахслар ҳақида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ХУМШ томонидан берилган маълумотнома ёки уй дафтари (нұсхаси);

➢ агар мазкур квартира никоҳ давомида орттирилган бўлса – эри (хотини)нинг нотариус томонидан шаходатлантирилган розилиги;

➢ хусусийлаштирилган квартирани олувчи тараф бўлиб хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлганда, яшаш гувоҳномаси (АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўйриқноманинг 80-банди).

Этибор беринг!

Олди-сотди, айирбошлаш ва ҳада қилиш битимлари амалга оширилгандан сўнг, шунингдек мулк ҳуқуқи меросхўрлик тартибда ўтгандан сўнг, бошқаларга бериш ёки мерос қилиб қолдириш вақтидан қатъи назар, уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми хусусийлаштирилган уй-жой мақомини йўқотади (Ўйриқноманинг 81-банди).

Алимент тўлаш: шартларни қандай ўзгартириш мумкин

Қорхонамизда ишлайдиган ходимнинг иш ҳақидан суд буйруғи асосида алимент ушлаб қолинади. Ходим алиментни мустақил равишда тўлаш истагини билдирди. Ушбу қарорини фарзандларининг онаси билан келишиб олган.

Алимент тўлаш шартларини ўзгартириш учун қорхонада қандай ҳужжатларни расмийлаштириш керак?

– Аввалига суд буйруғини бекор қилиш зарур.

Саволдан маълум бўлишича, айти пайтда ходим фарзандларини боқиш учун алиментни **суд буйруғи** асосида тўламоқда. Суднинг қонуний кучга кирган ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда мамлакатимизнинг бутун ҳудудда ижро этилиши лозим. Суд ҳужжати бажармаслик фуқароларга – ЭКИХнинг 5 ба-

раваридан 10 бараваригача миқдорда, мансабдор шахсларга эса ЭКИХнинг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима тарзидаги жавобгарликка сабаб бўлади (ФПКнинг 16-моддаси; МЖТКнинг 198-2-моддаси).

Бинобарин, суд буйруғи бекор қилинмагунча уни ижро этишингиз (яъни алимент суммасини ушлаб қолишингиз) шарт.

Алимент ундириш тўғрисидаги суд буйруғини бекор қилиш учун ундирувчи (болаларнинг онаси) уни чиқарган фуқаролик ишлари бўйича судга тегишли ариза билан мурожаат қилиши лозим (ФПКнинг 181-моддаси 2-қисми). Суд аризани кўриб чиқиш якунлари бўйича **суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ажрим** чиқаради.

Ходим иш берувчига ушбу суд ажримини тақдим этиши шарт. Унинг асосида қорхона бухгалтерияси ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишни тўхтатади. Суд ажрими, агар қонунда ёки суд томонидан бошқа муқдат белгиланган бўлмаса, дарҳол ижро этилади (ФПКнинг 274-моддаси).

Ота-она болаларни боқиш учун ихтиёрий равишда алимент тўлаш мақсадида алимент тўлаш тўғрисида ўзаро келишув тузиши мумкин. Келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим (ОКнинг 131-моддаси). Бундай келишув, суд қарори сингари, ижро ҳужжати кучига эга бўлади («Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси 5-банди).

Реклама

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz



Сабоҳат Султонова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Муассислардан бири вафот этди: улуш кимга тегади?

МЧЖ улгуржи савдо билан шугулланади. 2 нафар муассис бор: бирининг Уфдаги улуши – 80%, бошқасиники – 20%. Уф тўлиқ шакллантирилган.

Улардан биринчиси бир вақтнинг ўзида директор эди, у вафот этди. Мерос расмийлаштирилмаган ва улуш меросхўрга ўтмаган бўлса, муассисларнинг умумий йиғилиши қарорларини қандай қабул қилиш мумкин (марҳумнинг ўғли унинг улушини ўзига олиб, бизнесни давом эттирмакчи)?

Уфдаги 80 фоизлик улуш эгаси вафот этган бўлса, янги директорни қандай тайинлаш мумкин?

– Корхона келгусида фаолият юритиши учун мол-мулк меросхўри вафот этган иштирокчининг улуши бошқарувчисини тайинлаш мақсадида нотариал идорага мурожаат қилиши зарур. Ўз навбатида улушни бошқарувчи шахс умумий йиғилишда иштирокчи сифатида чиқиши ва қарорлар, шу жумладан жамият директорини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Жамиятнинг устав фондидagi (устав капиталидаги) улушлар жисмоний шахсларнинг меросхўрларига ва жамиятнинг иштирокчилари бўлган юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворисларига ўтади («Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси 12-қисми).

Меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик:

➤ меросдан воз кечмаса;

➤ ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса;

➤ уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқий эмас деб топилиши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади (ФКнинг 1145-моддаси).

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан 6 ой ўтганидан кейин берилади (ФКнинг 1146-моддаси).

Жамиятнинг вафот этган иштирокчисининг меросхўри томонидан мерос қабул қилингунга қадар унинг ҳуқуқлари васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай шахс бўлмаган тақдирда эса **нотариус тайинлаган бошқарувчи томонидан** амалга оширилади (Қонуннинг 20-моддаси 15-қисми).



Мерос таркибида бошқаришни талаб қиладиган мол-мулк мавжуд бўлса, нотариус мол-мулк бошқарувчисини тайинлайди ва бу ҳақда қарор чиқаради.

Нотариус Фуқаролик кодексига кўра мол-мулкни ишончли бошқариш муассиси сифатида иштирок этиб, ишончли бошқарувчи билан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузади (АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йуриқноманинг 226-банди).

Жамиятнинг уставиди улушнинг меросхўрларга ўтиши ва тақсимланишига фақат жамият қолган иштирокчиларининг розилиги билан йўл қўйилиши **назарда тутилиши мумкин** (Қонуннинг 20-моддаси 14-қисми).

Жамиятнинг иштирокчилари улушнинг меросхўрларга ўтиши ёки тақ-

симланишига розилик беришни рад этсалар, агар жамиятнинг уставига мувофиқ бундай розилик олиниши зарур бўлса, улуш жамиятга ўтади. Бунда жамият:

➤ вафот этган жамият иштирокчисининг меросхўрларига улушнинг ҳақиқий қийматини тўлаши;

➤ ёхуд уларнинг розилиги билан уларга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт (Қонуннинг 22-моддаси 6-қисми).

Улушнинг ҳақиқий қиймати муассиснинг вафот қилиш кунидан олдинги охириги ҳисобот даври учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланади.

Александр Лобанов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Қачон тинчликни бузиш мумкин

4 қаватли уйда яшайман. Уйимиз рўпарасида 2 қаватли хусусий уй қурилаяпти. Қурувчилар эрталабки соат 6 дан бошлаб (шу жумладан якшанба кун) шовқин кўтариб ишлай бошлайдилар. Қурилайётган уй эгаси билан тортишиб қолдик.

У тунги вақтда – соат 23.00 дан 6.00 гача фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан кўшиқ айтиш, овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар ва бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар жой биноларида шовқин чиқарувчи ишлар қилиш жарама солишга сабаб бўлишини (МЖТКнинг 192-моддаси) рўқач қилмоқда. Шу сабабли соат 6.00 дан кейин шовқин чиқарувчи ишлар қилишга ҳақиман деб ҳисоблаяпти.

Мен эса Кўп квартирали уйлардаги хоналарни биноларнинг мустақамлигига путур етказмаган ҳолда реконструкция қилиш, қайта режалаштириш ва қайта жиҳозлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-бандига ҳавола қилаяпман, унда айтилишича, кўп квартирали уйларда шовқин чиқарувчи ишларни соат 8.00 дан олдин бошлаш ва соат 21.00 дан кейин тугатиш тақиқланган.

Бу ҳолда ким ҳақи? Байрам ва дам олиш кунларида шовқин чиқарувчи ишлар ўтказилишини тартибга солишчи қандайдир қонун ҳужжати борми?

– Кўп квартирали уйларда шовқин чиқарувчи ишларни соат 6.00 дан олдин бошлаш ва соат 23.00 дан кейин тугатиш тақиқланган.

Кўп квартирали уйлардаги хоналарни биноларнинг мустақамлигига путур етказмаган ҳолда реконструкция қилиш, қайта режалаштириш ва қайта жиҳозлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ШНҚ 1.04.05-06, Давархитектурилишқўмининг 23.03.2006 йилдаги 20-сон буйруғи билан тасдиқланган) 20-бандига ўзгартиришлар киритилди, айти пайтда ушбу банд МЖТКнинг 192-моддасига мувофиқлаштирилган. Чунончи, Низомга мувофиқ кўп квартирали уйларда шовқин чиқарувчи ишларни соат 6.00 дан олдин бошлаш ва соат 23.00 дан кейин тугатиш тақиқланади.


МЖТКнинг 192-моддасида ҳам тунги вақтда – соат 23.00 дан 06.00 гача фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган. Яъни баланд овоз билан кўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, турар жойларнинг йўлаклари ва эшиклариди, кўчаларда ово-

зи баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш **фуқароларга ЭКИХнинг 1/3 қисми, мансабдор шахсларга эса – 1/3 қисмидан 1/2 қисмигача миқдорда жарама солишга сабаб бўлади.**

Байрам ва дам олиш (шанба/якшанба) кунлари шовқин чиқарувчи ишларни қилишга келсак, бугунги кунда қонун ҳужжатларида чекловлар ёхуд қандайдир алоҳида талаблар мавжуд эмас.

Мамлакатимиз қонунчилиги жадал ривожланаётганини эътиборга олиб, хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда МЖТКга байрам ва дам олиш кунлари шовқин билан боғлиқ ишлар ўтказилишига доир чекловларни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилади деб ўйлаймиз.

Азиз Ажибеков,
«Norma» МЧЖ эксперти.



Реклама

ORMA «КОРХОНА ЮРИСТИ»
электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробод тумани, Таълимарқон кўч. 1/1.
Тел. (998 71) 200-00-90. E-mail: office@orma.uz, web: www.orma.uz

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзуйий сон*

Пенсия ёши, аёллар учун пенсияларга устама, барча ишловчи пенсионерларнинг тўлиқ миқдорда пенсия олиши – Президентнинг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасида шу ва яна кўпгина бошқа масалалар ёритилган. Ушбу сонда нафақат бўлажак ўзгаришлар ҳақидаги материал, балки Пенсия жамғармаси мутахассислари ва «Norma» МЧЖ экспертларининг жавоблари ва тушунтиришлари билан ҳам танишасиз.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни norma.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газетамизнинг gazeta@norma.uz ва ntv@norma.uz электрон манзилларига йўлланг.

Расмий жавоб

Бадал тўламаган бўлсангиз – стажга эга бўлмайсиз

? Яқинда пенсияга чиқаман. Охириги пайтда республика ташқарисида ишлаганман. Сугурта бадаллари тўланмаганлиги сабабли бу давр (охириги 10 йил) стажга қўшилмаслигидан хабарим бор.

Бу ҳолда қандай суммадан пенсия ҳисоблаб чиқарилади?

Шангин. Тошкент ш.

– Чет элда ишланган даврлар ўзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сугурта бадаллари тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси).

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет 5 йилдаги (пенсия сўраб муурожаат этган

кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинад. Бу даврда бадаллар тўланмаганлиги сабабли сизга пенсия энг кам иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади (Қонуннинг 31-моддаси).

Чет элда меҳнат шартномаси асосида ёлланган ҳолда ишлаб, сугурта бадалларини тўлаганингизда, ушбу ишлаган даврингиз стажга қўшиб ҳисобланган, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун эса ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридаги даромадингиз ҳисобга олинган бўлар эди (Низом, ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 45-сон қарорига 1-ишова).

Маълумот учун!

Ўриндошлик асосида ишлайдиган ПЕНСИОНЕРЛАРГА пенсия асосий иш жойида Тўланади.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ахборот кўмағида тайёрланди.

БУГУНГИ СОНДА:

МАХСУС СТАЖГА ЭГА
БЎЛСА

Чорак аср меҳнату
шижоат ила...

2

КЎПИ ҲИСОБГА
ОЛИНМАЙДИ

Ўриндошликда
ишлаганим пенсияни
оширадими?

3

ПЕНСИЯ ЁШИНИ
ОШИРИШ ТАКЛИФ
ЭТИЛМОҚДА

Барқарорлик ва
мутаносиблик зарур

4

ФАРЗАНДИ
БЎЛГАНИНГИЗДА

Декрет таътили
ва пенсия

7

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Махсус стажга эга бўлса



Холам қарийб 30 йил ўқитувчи бўлиб ишлаган. Одий мактабда ҳам, мактаб-интернатда ҳам. У пенсияга чиқаётганда қандайдир имтиёзлар бериладими?

Раиса И.

— Охирги иш жойидан қатъи назар, ногирон болалар учун ихтисослашган таълим муассасалари, «Меҳрибонлик» уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқитувчилари — махсус иш стажига камида 25 йил бўлган тақдирда (3-сон рўйхатнинг VII қисми, ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган), Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар кўрсатилган муассасаларда зарур стажга эга бўлса, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман бўлимига мурожаат қилиш лозим (Қонуннинг 12-моддаси «к» банди).



Ёлғиз ўзи



Эшитишимча, ёлғиз пенсионерлар коммунал хизматлар ҳақини тўлашда пулли компенсация олишга ҳақи эканлар.

Уни олиш учун қарерга мурожаат қилиш керак?

Мария К. Тошкент ш.

— Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар ойлик компенсация пул тўловлари олувчилари ҳисобланади (АВ томонидан 30.12.2010 йилда 2175-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-банди «б» кичик банди).

Ёлғиз яшайдиган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда тиббиёт бирлашмалари аниқлайди (Низомнинг 16-банди, ВМнинг 10.08.2015 йилдаги 237-сон қарорига 2-илова). Улар тўғрисида қуйидаги жами маълумотлар олинади:

➤ ёлғиз яшаши;

➤ уларни парвариш қилишни таъминлашга қодир бўлган шахсларнинг йўқлиги;

➤ ёлғиз яшайдиган ҳамда ёлғиз кекса ва ногироннинг ўзгалар парваришига муҳтожлиги.

Тиббиёт бирлашмасининг бундай ёлғиз кексаларни шахсий рўйхатга киритиш тўғрисидаги илтимосномалари туман ҳокимлигига тақдим этилади, у ерда улар кўриб чиқилиб, кекса ва ногиронни ёлғиз яшайдиган ёки ёлғиз кекса ва ногирон деб эътироф этиш ёхуд эътироф этишни рад этиш тўғрисида, шунингдек уни шахсий рўйхатга киритиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинади.

Маълумот учун!

Кам таъминланган оилага ойлик моддий ёрдам (1,5 ЭКИХдан 3 ЭКИХгача), шунингдек оналарга болани 2 ёшга тулгунгача парвариш қилиш бўйича нафақалар (2003 йилдан — ЭКИХнинг 200%) СУММАЛАРИ ЙИЛ ДАВОМИДА амалга оширилган индексацияларни ҳисобга олган ҳолда амалдаги энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҲИСОБЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ.

Бизнинг маълумотнома. Ишлаётган аёлларга болани 2 ёшга тулгунгача парваришlash учун нафақа тўлови иш берувчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади (АВ томонидан 14.03.2002 йилда 1113-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 5, 13-бандлари). Ишламайдиган аёллар ва бюджет соҳасида ишлаётган аёлларга ушбу нафақа, шунингдек кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан маҳаллий бюджетлар маблағлари ва бюджетдан ташқари манбалардан Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарорига 1-илова) доирасида тўланади.

Эътиборингиз учун!

Президентнинг «Аҳолининг ҳолатини қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (22.02.2016 йилдаги ПФ-4782-сон) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари зиммасига ногиронлар, шу жумладан ногирон болаларга, уруш қатнашчиларга, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа ҳолатини қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, имкониятлари чекланган шахсларни касб-ҳунарга ўқитишни ташкил этиш ҳамда инклюзив касб-ҳунар таълимини ривожлантириш вазифаси юклатилган.

Пенсияга чиқиш вақти келдими?



**Мен ишлайман, болаликдан ногирон болани тарбиялайман.
55 ёшга тўлмасдан пенсияга чиқа оламанми?**

Н.Халилова. Тошкент ш.

– Башарти иш стажингиз камида 20 йилни ташкил этса, охириги иш жойидан қатъи назар, Қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эгасиз.

Башарти аёл ўғай ўғил ва ўғай қизни улар 8 ёшга тўл-

гунига қадар камида 5 йил тарбиялаган бўлса, пенсия тайинлашда улар ҳақиқий фарзандлар билан тенг равишда ҳисобга олинади (Қонуннинг 12-моддаси «з» банди).

Бола туғилганлиги ҳолати туғилиш ҳақидаги гувоҳнома асосида, уни 8 ёшгача тарбиялаганлик эса – ариза берувчининг яшаш жойи бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган болаликдан ногиронни бола туғилган пайдан бошлаб у 8 ёшга тўлгунига қадар тарбиялаган аёлнинг оила аъзолари таркиби тўғрисидаги маълумотнома асосида белгиланади.

Ариза берувчининг фарзандини болаликдан ногирон ёки 8 ёшгача ногирон бола деб эътироф этиш ТМКнинг тиббий хулосаси ёки ТМЭКнинг ногиронлик тўғрисидаги маълумотномаси билан тасдиқланади (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 26-банди).

Кўпи ҳисобга олинмайди



Пенсияни расмийлаштираётганда пенсияни ҳисоблаб чиқаришда ўртача ойлик даромад ошиши учун ўриндошлик асосидаги иш жойидан олинган иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани ҳам тақдим этиш мумкинми?

М.Лионов.

– Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидидаги исталган кетма-кет 5 йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинади. Унга қонун ҳужжатларига мувофиқ сугурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар қўшилади.

У ўтган йиллардаги иш ҳақларини пенсия тайинланадиган кундаги иш ҳақи даражасига келтириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда қайта ҳисобланади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинандиган ўртача ойлик иш ҳақи кетма-кет ишланган 60 календарь ойлар учун қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорини 60 га бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда пенсия сўраб

Маълумот учун!

Меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II **ГУРУҲ НОГИРОНИ** бўлган **ПАЙТ** ёшга доир ва боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашда **СТАЖГА ҚўШИБ ҲИСОБЛанади**.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

муружаат этган кишининг хоҳишига кўра, ишга қабул қилиш ёки меҳнат шартномасини бекор қилиш муносабати билан иш кунлари сони тўлиқ бўлмаган ойлар тўлиқ ишланган календарь ойлар сифатида ҳисобга олинади.

Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун ЭКИХнинг 8 баробаридан ортиқ бўлмаган миқдордаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади (Қонуннинг 31, 32-моддалари).

Абдурашид Исмоилов,

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Норматив лойиҳалар

Пенсия ёшини ошириш таклиф этилмоқда

ҚХТБТ порталида Президентнинг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини янада ислоҳ қилишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори лойиҳаси эълон қилинди.

Ҳужжат лойиҳасида қайд этилишича, келажақда пенсия тизимининг мувозанатида куйидаги бир қатор омиллар салбий таъсир этиши мумкин:

- бадалларни тўловчиларнинг пенсия олувчиларга нисбатан анча камлиги пенсия тизимининг барқарорлиги мезонини таъминлашга таъсир кўрсатади, бунинг оқибатида меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60 фоиздан кўпроги ижтимоий сугурта тизими билан қамраб олинмай қолади;

- пенсия таъминотининг рағбатлатлантирувчи ва шаффоф механизмлари йўқлиги пенсия миқдори ва тўланаётган ижтимоий ажратмалар суммаси ўртасидаги боғлиқликнинг заифлашуви олиб келди;

- пенсия ёшидаги шахслар улуши ортиб бораётганлиги кузатилмоқда, охириги даврларда ёшга доир тайинланган пенсиялар сони бир йилда 200 мингтадан ортди;

- совет даврида белгиланган пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ёш, жамиятдаги ижтимоий барқарорлик ва узоқ умр кўриш ёшининг ортиши натижасида бошқа давлатларга нисбатан энг паст бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан куйидагиларни назарда тутувчи Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиш концепциясини маъқуллаш таклиф этилмоқда:

биринчидан, куйидаги йўллар билан фуқароларнинг ижтимоий сугурта тизимида иштирок этишини рағбатлантирувчи механизмларни жорий этиш:

- пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг чекланган миқдорини ЭКИХнинг 8 баробаридан 10 баробаригача ошириш, бу тартибни аввал тайинланган пенсияларга ҳам татбиқ этишни кўзда тутиш;

- эркаклар учун 35 йил, аёллар учун 30 йилдан ортиқ иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ЭКИХнинг 10%и миқдориди пенсияларга устамалар тўлаш орқали пенсия миқдорларини ошириш;



- 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқи бўлган аёллар умумий белгиланган ёшда пенсия расмийлаштирган тақдирда уларнинг пенсияларига ЭКИХнинг 10%и миқдориди устама белгиланиши жорий этиш;

иккинчидан, куйидаги тарзда ижтимоий адолатни таъминлаш чора-тадбирларини:

- барча ишловчи пенсионерларга меҳнат фаолияти даврида пенсия тўловларини тўлиқ олиш ҳуқуқини бериш;

- зарур меҳнат стажига эга бўлмаган кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга тўланаётган нафақа миқдориди III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун нафақа тайинлаш механизмини жорий этиш;

- қариялар уйи (пансионат)да яшовчи ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларга тайинланган пенсия миқдорининг 50%и тўлаш ҳуқуқини белгилаш;

учинчидан, куйидагилар воситасида, шу жумладан жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимида фуқа-

Маевуев сонни Алла Ромашко олиб боради.

роларнинг ихтиёрий иштирок этишини рағбатлантирувчи чора-тадбирларни қўллаш:

➤ пенсия ёшига етган, бироқ зарур меҳнат стажига эга бўлмаган шахсларга пенсия ҳисоблашда ҳар бир етишмаётган ой (давр) учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида суғурта бадалларини тўлаш ҳуқуқини бериш;

➤ ишловчи шахсларга меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлари ҳисобидан ишламаётган оила аъзолари учун ихтиёрий равишда ҳар бир ой учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида қўшимча суғурта бадаллари тўлаш ҳуқуқини бериш;

➤ жисмоний шахснинг жамғариб бориладиган ҳисоб-рақамига ўтказиб бориладиган маблағлар ҳисобидан жозибдор оралик бонусли пуллик тўловлар схемаларини қўллаш;

тўртинчидан, қуйидагиларни назарда тутадиган пенсия таъминоти тизимини шакллантириш:

➤ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган минимал стажни 2020 йилдан бошлаб босқичма-босқич бир йилдан ошириб, уни 10 йилга етказиш;

➤ халқаро амалиётни чуқур ўрганган ҳамда МДХ мамлакатлари тажрибасини таҳлил қилган ҳолда пенсия ёшини босқичма-босқич ошириш.

Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини янада ислоҳ этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва ўрганиш бўйича ишчи комиссия ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

Ишчи комиссия:

➤ алоҳида тошфадаги фуқароларнинг пенсияларига қўшимча ҳақлар ва асоссиз устамалар, самарасиз имтиёзлар бўйича таклифлар киритиши;

➤ пенсия ва ижтимоий нафақаларни ҳисоблашнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш бўйича таклифлар киритиши;

➤ янги тахрирдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқишнинг таъминлаши;

➤ пенсия ва ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлашда илғор ахборот технологияларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши зарур.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси:

➤ АТ Халқ банки билан биргаликда 2018 йилнинг охирига қадар пенсия ва ижтимоий нафақаларни етказиб беришда инновацион интерактив хизматларни жорий қилиши, шу жумладан пенсия ва нафақа олувчиларнинг аутентификациясини таъминловчи мобил ва контактсиз технологияларни жорий этиши;

➤ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 июлига қадар сервер ускуналарини харид қилиш ҳамда пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг автоматлаштирилган ҳисобини юритиш, уларни тайинлаш ва тўлаш бўйича дастурий комплекснинг янги версиясини жорий этиш чораларини кўриши назарда тутилган.

Пенсия – суғурта бадалларисиз

ҚЎТБТ порталида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга пенсияларни ҳисоблаб чиқаришга оид тузатишлар лойиҳаси жойлаштирилган.

2019 йил 1 январдан кейин меҳнат фаолияти учун пенсияни ҳисоблаб чиқаришда **суғурта бадаллари ҳисобланиши инобатга олинмайди**. Бу Президентнинг 29.06.2018 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ–5468-сон Фармони қабул қилиниши билан боғлиқ. Хужжатга мувофиқ, 2019 йилдан бошлаб фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ушлаб қолинмаган суғурта бадаллари бекор қилинади. Тегинча, ходимга иш ҳақи ҳисобланган бўлса, ҳар қандай иш (1.01.2019 йилдан кейин амалга ошириладиган) иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Бунда ходим 1.01.2019 йилдан кейин амалга оширадиган меҳнат фаолияти учун пенсияни ҳисоблаб чиқаришда суғурта бадаллари асос қилиб олинмаслигини яна бир бор қайд этиб ўтамиз. 2018 йил охиригача ишланган давр учун пенсияни ҳисоблашда, аввалгидек, ходимнинг суғурта бадаллари ҳисобланган даромадлари олинади.

Маълумот учун. Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, охириги 10 йиллик меҳнат фаолияти давомидеги исталган кетма-кет 5 йилдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинади.

Эслатиб ўтамиз, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақиға Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган, суғурта бадаллари ҳисобланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидеги барча даромадлар киритилади. Булар:

➤ ҳақиқатда бажарилган иш учун ҳисобланган иш ҳақи;

➤ илмий даража ва фахрий унвон учун қўшимча тўловлар;

➤ рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар (йиллик иш якунлари бўйича мукофот, таътилга қўшимча ҳақлар ва ҳ.к.);

Мавзுவий сонни Алла Ромашко олиб боради.



➤ компенсация тўловлари (огир, зарарли, ўта зарарли меҳнат шaroитларида ишлаганлик учун устамалар; бир

неча касбда, лавозимда ишлаганлик учун устамалар ва ҳ.к.);

➤ ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш (йиллик асосий ва қўшимча таътиллarga ҳақ тўлаш ва ҳ.к.);

➤ предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалarga мувофиқ жисмоний шахслarga тўловлар;

➤ юридик шахснинг бошқарув органи (қузатув кенгаши ёки бошқа шунга ўхшаш органи) аъзоларига юридик шахснинг ўзи томонидан амалга оширилаётган тўловлар;

Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, ДХХнинг ҳарбий хизматчиларига, ИИОнинг оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига ҳамда ДБҚнинг ходимларига хизматни ўташи (хизмат мажбуриятларини бажариши) муносабати билан тўланадиган пул таъминоти, пул мукофотлари ва бошқа тўловлар.

Барча ишловчи пенсионерларга – тўлиқ пенсия

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси шундай таклиф киритиб, Президентнинг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти самарадорлиги ва ижтимоий адолатлилигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони лойиҳасини ҚЎТБТ порталида жойлаштирди.

Жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб барча ишловчи пенсионерларга тўлиқ миқдорда пенсия тўлашни белгилаш таклиф этилмоқда.

Бундан ташқари, 2019 йилнинг 1 январидан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг энг юқори миқдорини ЭКИХнинг 8 бараваридан 10 бараваригача ошириш режалаштирилмоқда.

Шунингдек келгуси йил бошлангунига қадар пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг энг юқори миқдори ошганлигини ҳисобга олган ҳолда, пенсиялар миқдорини қайта ҳисоблаш кутилмоқда.

Жорий йилда ишловчи пенсионерларга пенсия тўлашга пул маблағлари биринчи ярим йиллик якуналари бўйича прогноздан ортиқча тушумлар ҳисобидан ажратилади. Келгуси йилдан бошлаб ушбу мақсадларга тегишли маблағлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йилги даромадлар ва харажат-



лар параметрлари шакллантирилаётганда назарда тутилади.

Эслатиб ўтаимиз, ишловчи пенсионерлар айна вақтда уларга тайинланган пенсиянинг 50%ини оладилар. Пенсияни 100% оладиган айрим тоифагилар бундан мустасно.

Лойиҳалар ўзгартирилиши, уларга қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Жаҳонгир Тўрахонов, Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ экспертлари.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Экспертга савол

Фарзандли бўлганингизда

Болани парваришlash таътилида, содда қилиб айтганда декретда бўлган пайтда... пенсия ҳақида ҳеч ким ўйлаб кўрмайди. Бир неча ўн йил ўтгач, саволлар юзага келади. «Норма маслаҳатчи»га муурожаатлар сабабли экспертиз декрет таътили ҳақида тушунтириш бери.

– 90-йилларда раҳбарияти ҳужжатларни архивга топширмаган ташкилотда ишлаганман. Бироқ меҳнат дафтарчасида ёзувлар қайд этилган. Шу ташкилотда ишлаётганимда болани парваришlash таътилига чиққанман.

Архивда ҳужжатлар йўқлигини инобатга олиб, декрет таътилида бўлганлигим далилини тиббий архив берган маълумотнома ва бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома билан тасдиқлай оламанми? Бу ҳолда декрет таътилида бўлган даврим стажга қўшиб ҳисобланадими?

– Ҳа, албатта, бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадан фойдаланишингиз мумкин. Маълумки, болани парваришlash таътилида бўлиш вақти болани парваришlash таътили берилиши ва ундан қайтиш тўғрисидаги маълумотномалар ёки буйруқлар мавжуд бўлмаганда, шунингдек буйруқларда зарур ёзувлар бўлмаганда ёки болани парваришlash таътилида бўлганлик даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар бўлганда, ушбу давр учун ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома болани парваришlash таътилида бўлганлик даврининг тасдиғи сифатида қабул қилинади.

Архив томонидан тасдиқланган юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда, болани парваришlash таътилида бўлиш даври қуйидаги даврларни ташкил этади:

➢ 1 йил – 1971 йил 1 январдан 1983 йил 1 ноябргача туғилган бола учун;

➢ 1,5 йил – 1983 йил 1 ноябрдан 1990 йил 1 июлгача туғилган бола учун;

➢ 3 йил – 1990 йил 1 июлдан кейин туғилган бола учун.

Кўрсатиб ўтилган ҳолларда болани парваришlash таътили бошланган сана сифатида ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган сана қабул қилинади (252-сон Низомнинг 66-банди).

Бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришlash таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил иш стажига қўшиб ҳисобланишини ёдда тутиш зарур (Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «ж» банди).



– Қандай сабабларга кўра декрет таътилида бўлган давр стажга қўшиб ҳисобланмаслиги мумкин?

– Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида «декрет таътили» тушунчаси мавжуд эмас. Аёлларга ҳомиладорлиги сабабли 2 турдаги таътил: ҳомиладорлик ва туғиш таътили, шунингдек бола 2 ва 3 ёшга тўлгунча қадар уни парваришlash учун таътил берилади (МКнинг 233, 234-моддалари).

Бунда фақат бола 3 ёшга тўлгунча уни парваришlash таътилида бўлиш вақти, лекин, болалар сонидан қатъи назар, ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил иш стажига қўшиб ҳисобланади. Ҳомиладорлик ва туғиш таътили иш стажига қўшиб ҳисобланмайди (МКнинг 234-моддаси; Қонуннинг 37-моддаси «ж» банди).

Болани парваришlash таътилларида бўлиш вақти ҳам уни иш стажига киритишда ўз хусусиятларига эга бўлади.

Биринчидан, бола 3 ёшга тўлгунча уни парваришlash таътилида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил иш стажига қўшиб ҳисобланади.

1-МИСОЛ. Ишлаётган аёл 30 йиллик меҳнат стажига эга, шундан ҳаммасини жамлаганда 8 йил давомида учта болани парваришlash таътилларида бўлган бўлса, унга пенсия тайинlash учун иш стажини ҳисоблаб чиқаришда ҳаммасини жамлаганда 25 йил ($30 - 8 + 3$) ҳисобланади.

Иккинчидан, Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «а»–«г» бандларида кўрсатилган камида 7 йиллик умумий стаж мавжуд бўлганда болани парваришlash таътилларида бўлган вақт (лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил) иш стажига қўшиб ҳисобланади.

2-МИСОЛ. Аёлниң иш стажига 6 йилу 11 ойни ташкил этади. Тегишинча, болани парваришlash таътилида бўлиш вақти иш стажига қўшиб ҳисобланмайди. Аёлниң иш стажига 7 йилни ташкил этса, болани парваришlash таътилида бўлиш вақти, мисол учун 2 йил иш стажига қўшиб ҳисобланади ва умумий иш стажига 9 йилни ташкил этади.

– 54 ёшда пенсияга чиққанда декрет таътилида бўлган давр стажга киритиладими?

– Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «а»–«г» бандларида тутилган камида 20 йиллик иш стажига бўлган аёллар 54 ёшга тўлганда болани парваришлаш таътилида бўлган даврлар иш стажига киритилади (Қонуннинг 12-1-моддаси). 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган зарур стажни (20 йил) ҳисоблаётганда болани парваришлаш таътилида бўлган вақт ҳисобга олинмаслигини алоҳида қайд этиб ўтмоқчиман.

3-МИСОЛ. Қонуннинг 37-моддаси 1-қисми «а»–«г» бандларида назарда тутилган аёлнинг иш стажига 19 йилу 11 ойни ташкил этади. 54 ёшда пенсияга чиқиш учун зарур 20 йиллик стаж етмаяпти. Бунда болани парваришлаш таътилида бўлган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланмайди, сабаби 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга эмас. Умумий белгиланган ёш – 55 ёшда пенсияга чиқаётганда у қўшиб ҳисобланади, сабаби

55 ёшда пенсияга чиқиш учун зарур энг кам иш стажига 7 йилни ташкил этади (Қонуннинг 8-моддаси).

Аёл 54 ёшга тўлганда 20 йиллик иш стажига эга бўлса, мисол учун, 2 йилни ташкил этган болани парваришлаш таътилида бўлган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади ва умумий иш стажига 22 йилни ташкил этади.

– Декрет тўловлари суммасидан ва бу даврда касаллик варақаси очилганда сугурта бадаллари тўланадими?

– Солиқ кодексининг 172-моддасида кўрсатилган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар сугурта бадаллари солиш объекти ҳисобланади (Солиқ кодексининг 306-моддаси).

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси, шунингдек вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари бундай тўловлар сирасига қирмайди (Солиқ кодексининг 178-моддаси) ва, тегишинча, уларга сугурта бадаллари солинмайди.

Зафаржон Хўжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

Янгиликлар

Пенсия ва нафақаларни олувчилар учун интерактив хизматлар йўлга қўйилди

ЯИДХПда «Фуқаронинг пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш» ва «Фарзанд тутилганда бериладиган бир марталик нафақа пулини олиш» хизматлари тақдим этила бошланди.

«Фуқаронинг пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш» хизмати ёрдамида тегишли ҳужжатни олиш учун ариза расмийлаштирилади.

«Фарзанд тутилганда бериладиган бир марталик нафақа пулини олиш» хизматидан фойдаланиб, тегишли нафақани олишга аризани топшириш мумкин.

my.gov.uz.



Маълумот учун!

Бола тутилганда бир йўла тўланадиган нафақа ЭКИХнинг 2 баравари миқдорига берилади. Иш ҳақига туман коэффициентлари белгиланган жойларда нафақа миқдори ушбу коэффициентни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ишламайдиган ва таълим олмаётган ота-оналарга нафақа бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан, бошқаларга – иш ёки ўқиш жойида тайинланади ва тўланади. Иккала хизмат бепул кўрсатилади.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

Ўзгаришлар ҳақида ДСИга хабар беринг

Корхонага оид маълумотлар ўзгаргани ҳақида солиқ органларини хабардор қилиш керакми?

– Ҳа, керак.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар идентификация рақами берилган ҳолда Солиқ тўловчиларнинг ягона реестрида рўйхатдан ўтказилади. Корхона маълумотлари ўзгарганда 10 кун муддатда Солиқ тўловчи – юридик шахснинг рўйхат маълумотларидаги ўзгаришлар варақасини (АВ томонидан 10.07.2014 йилда 2600-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомга 8-илова) тўлдириш зарур.

Қуйдагилар ўзгарганда шундай қилиш керак:

- корхона номи;
 - манзили;
 - мулкчилик шакли;
 - ташкилий-ҳуқуқий шакли;
 - асосий фаолият тури.
- Қуйдагилар ўзгарганда:
- раҳбар;
 - бош бухгалтер;
 - устав фонди;
 - асосий ҳисоб-китоб счёти ёки қўшимча счётлар очилганда – 10 кун муддатда Солиқ тўловчи – юридик шахс тўғрисида қўшимча маълумотлар варақаси (2600-сон Низомга 9-илова) тўлдирилади.

Почта манзили, банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ёки корхона қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни 10 кунлик муддат ичида тақдим этмаганлик ёхуд ёлгон маълумотларни тақдим этганлик учун унинг мансабдор шахсларига ЭКИХнинг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солинади (МЖТКнинг 176-2-моддаси).

Бундай ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган корхонанинг мансабдор шахслари у аниқланган пайтдан эътиборан 30 кунлик муддатда йўл қўйилган бузилишларни ихтиёрий равишда бартараф этган бўлса, жарима солинмайди (МЖТКнинг 271-моддаси 11-банди).

АВ қиймати лимити: қўллаш тартиби

5-сон БХМСнинг 4-бандида назарда тутилишича, корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг чегарасини ЭКИХнинг 50 бараваридан кам этиб белгилашга ҳақли.

Корхона раҳбари буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини энг кам иш ҳақида қаррали миқдорда эмас, балки қатъий суммада (масалан, қиймати 1 млн сўмдан ёки 2 млн сўмдан ортиқ буюмлар деб) белгилашга ҳақлими?

– Ҳа, корхона раҳбари буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг чегарасини қатъий суммада белгилашга ҳақли.

Асосий шарт – белгиланган чегара корхонанинг ҳисоб сисъатида акс эттирилган бўлиши керак.

Бироқ активларни АВга киритишда қуйида санаб ўтилган активлар, хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар, инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибига киритилиши (АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БХМСнинг 6-банди) ва асосий воситалар таркибига кира олмаслигини ҳисобга олиш лозим:

➢ махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки яқка тартибдаги бюртмани тайёрлаш

учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги асбоблар ва мосламалар);

- махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал;
- кўрпа-тўшақлар;
- ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳ.к.);
- ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дас-турхонлар;
- уларни барпо этиш харажатлари курилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;
- фойдаланиш муддати 1 йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;
- овлash қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва ҳ.к.).

Эълон

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

лойиҳаси доирасида «СБХ» ва «Норма маслаҳатчи» газеталари комплекти обуначилари ҳамда «Norma» дастурий маҳсулотларидан фойдаланувчилар

200-00-59 телефони орқали

(шаҳарлараро қўнғироқлар учун кодлар: ушл телефондан +99871, стационар телефондан 8371) солиқ солиш ва бухгалтерия маслаҳалари юзасидан саволларига экспертларимиздан жавоб олишлари мумкин. Ҳафтанинг 5 кунли давомида соат 10.00 дан 17.00 гача. Тушлик вақти соат 13.00 дан 14.00 гача.



Воситачилик савдоси: йўл қўйиладиган четга чиқишлар

ФКнинг 819, 837-моддалари маъносидан келиб чиқишича, воситачилик савдосида товарларнинг нархларини ўзгартариш: ошириш ёки камайтириш мумкин.

Воситачилик савдосида товарлар шартномавий нархга мувофиқ келмайдиган нархда сотилганда ҳужжатларни қандай расмийлаштириш керак?

– Воситачи комитентнинг кўрсатмаларидан айрим ҳолларда четга чиқишга ҳақли (ФКнинг 837-моддаси).

Агар воситачи комитентнинг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётганда ундан бу ҳақда олдиндан сўрай олмаган ёхуд ўз сўровига оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, бундай қилишга ҳақли. Воситачи хабар бериш имкони туғилиши биланок йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида комитентга хабар бериши шарт (ФКнинг 819-моддаси). Комитентга хат йўллаб, хатни қабул қилганлиги тасдиғини олиб хабар берганингиз маъқул.

Бундай вазиятларга кам тўқнаш келиш учун уларни шартномада назарда тутинг.

Тез бузиладиган товарлар ёки яроқлилик муддати чекланган товарлар сотилаётганда бу айниқса муҳим.

Шартномада қуйидагиларни белгилаш мумкин:

- воситачи ундан арзон (қиммат) сотишга ҳақли бўлмаган товарнинг энг кам (энг юқори) нарҳини;
- воситачи ўзгартаришга ҳақли бўлмаган товарнинг қатъий белгиланган нарҳини;
- воситачига шартномада белгиланган чегарада ундан бош тортиш ҳуқуқини берган ҳолда товарнинг қатъий белгиланган нарҳини. Энг юқори ва энг қуйи чегаралар реализация қилиш нарҳига фоиз нисбатида (масалан, 20%дан кўп эмас) ёхуд қонунчиликка зид келмайдиган бошқа усулда белгиланиши мумкин;
- воситачи оварнинг пировард нарҳини мустақил равишда белгилашга ҳақли эканлигини кўрсатган ҳолда, комитентга берилиши лозим бўлган товарни реализация қилишдан тушган суммани. Бунда комитентга тегишли суммадан ортган қисми воситачининг ҳақи ҳисобланади.

Товарни келишилган нархдан фарқ қилувчи нархда сотиш зарурати юзага келганда **воситачилик шартномасига** товарни сотишнинг янги шартлари кўрсатилган **қўшимча битим** расмийлаштирилади («Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддаси).

Воситачи комитент билан келишмай туриб товарни шартномавий нархдан арзон сотса, комитентга:

- янада арзон нархда сотиш натижасида яна ҳам кўпроқ зарарнинг олди олинганлигини. Яроқлилик муддатлари кесимида товарни сотиш динамикаси ҳақидаги ҳисобот билан буни исботлаш мумкин;
- шартнома шартларидан четга чиқишга комитентнинг розилигини олдиндан олиш имкониятига эга бўлмаганлигини исбот қилиши шарт. Бу ҳолда товар нарҳини ўзгартариш комитент билан олдиндан келишилмаганлиги сабаблари тушунтирилган хат расмийлаштирилади.

Акс ҳолда воситачи комитентга фарқи қоплаб беришига тўғри келади.

Товар шартномада кўрсатилганидан ҳам фойдалироқ шартлар асосида сотилган бўлса, қўшимча фойда (ФКнинг 834-моддаси):

- тарафлар ўртасида фоиз нисбатида тақсимланади (50 га 50, 60 га 40 ва ҳ.к.). Бунда қайси улуш комитентга, қайсиниси воситачига тегишли эканлигини кўрсатиш лозим;
- воситачининг мулкда қолади;
- комитентга тўлиқ ҳажмда топширилади.

Қўшимча фойдани тақсимлаш тартиби ҳам шартномада белгиланган бўлиши керак.

Жавобларни «Norma» МЧЖ экспертлари тайёрладилар.

Бузилган товарлардан қутулиш йўли

Тез бузиладиган маҳсулотларнинг (1 т) яроқлилик муддати ўтди.

Муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулотларидан қандай қутулиш мумкин?



– Яроқлилик муддати ўтган озиқ-овқат маҳсулоти белгиланган мақсадда ишлатилмаслиги ҳамда қайта ишланиши ёки йўқ қилиб ташланиши керак.

Озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари унинг эгаси томонидан тегишли давлат назорати органлари билан келишиб олинади («Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси 1, 2-қисмлари).

Қонун ҳужжатларида озиқ-овқат маҳсулотини қайта ишлаш ёки йўқ қилиб ташлашнинг махсус тартиби белгиланмаган.

Корхона раҳбар буйруғи билан яроқлилик муддати ўтган маҳсулотларни қайта ишлаш ёки йўқ қилиб ташлаш бўйича комиссия тузиши зарур.

Комиссия маҳсулотлар рўйхатини ва келгусида фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келиш сабабини белгилайди.

Истеъмол хусусиятларини йўқотган маҳсулот чиқинди эканлиги сабабли уни йўқ қилиб ташлаш ёки қайта ишлаш усули ҳақида ҳулоса олиш лозим. Бунинг учун корхона ваколатли давлат назорати органи – Экология давлат қўмитасига хат билан мурожаат қилиши керак («Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуннинг 2, 6-моддалари).

Бузилган маҳсулот атроф табиий муҳит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги боис давлат экологик экспертизасидан ўтказилади («Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси).

Экология давлат қўмитасининг ваколатли ходимлари экологик экспертиза ўтказгандан

кейин ҳулоса берадилар, унда чиқиндиларни йўқ қилиб ташлаш усули ва жойини белгилайдилар ёки келгусида қайта ишлаш учун маҳсулотни шартномавий асосда қабул қиладиган ташкилотларга мурожаат қилишни тавсия этадилар.

Озиқ-овқат маҳсулоти ҳайвонларга ем сифатида ишлатилганича ёки йўқ қилиб ташланганича алоҳида жойда (резервуарда), алоҳида ҳисобда, миқдорини, ишлатиш (қайта ишлаш) ёки йўқ қилиб ташлаш усуллари ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда сақланиши керак. Бундай маҳсулотнинг бут сақланиши учун унинг эгаси жавобгар бўлади («Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси 4-қисми).

Маълумот учун: атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг ташламалари, оқавалари ва чиқиндилар пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ёки хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи ташкилотлар экологик нормативларни ишлаб чиқишлари ва келишишлари шарт, улардан бири чиқиндиларнинг пайдо бўлиши ва жойлаштирилишининг нормативлари ҳисобланади (ВМнинг 21.01.2014 йилдаги 14-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 1, 30-бандлари).

Ташиш шартномаси: ЁММ ҳақидаги шарт қандай акс эттирилади

Корхонамиз (ижрочи) бошқа корхонага (буюртмачи) юк ташиш хизматларини кўрсатади. Ёнилгини буюртмачи беради.

Ижрочиға автоташиш учун ёнилгини буюртмачи беришини шартномада кўрсатиш мумкинми? Ёки бу аралаш шартнома бўлиб, ёнилги даваль хом ашё сифатида берилган бўладими?

– Буюртмачида автомобилларга ёнилги қуйиш шохобчаси мавжуд бўлгандагина буюртмачи ижрочиға ЁММ бериши мумкин. Акс ҳолда ЁММ бериш тақиқланади.

Юк ташиш шартномаси бўйича юк ташувчи юк жўнатувчи томонидан ўзига ишониб топширилган юкни белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни олишга ваколат берилган шахсга (олувчига) топшириш, юк жўнатувчи эса юкни ташиб берганлик учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини опади (ФКнинг 711-моддаси 1-қисми).

Қонун ҳужжатларида юк ташиш соҳасида буюртмачининг юк ташувчини ёнилги-мойлаш материаллари билан таъминлаш мажбурияти назарда тутилмаган.

Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно (ФКнинг 354-моддаси 5-қисми).

Тегишинча, тарафларнинг юк ташиш шартномасида юк ташувчини ЁММ билан таъминлаш шарти ва тартибини назарда тутиши тақиқланмаган.

Бунда юк ташувчига ЁММ беришга реализация қилиш деб қаралади.

Реализация қилиш – сотиш, айирбошлаш, бегараз бериш мақсадида товарларни жўнатиш (топшириш), ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, шунингдек гаровга қўйилган товарларга бўлган мулк ҳуқуқини гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига топшириш. Ҳисобварақ-фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатномалар, товарлар жўнатирилганлигини (топширилганлигини), ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи квитанциялар, чеклар ва бошқа ҳужжатлар реализация қилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлардир (Солиқ кодексининг 22-моддаси).

ЁММни фақат белгиланган тартибда махсус жиҳозланган стационар, қўлма, контейнерли автоёнилғи қуйиш шохобчаларида реализация қилишга рухсат этилган (ВМнинг 6.05.1994 йилдаги 240-сон қарори 1-банди).

Шу сабабли буюртмачи юк ташиш шартномаси доирасида юк ташувчини ЁММ билан таъминлаш имконига эга бўлиш учун автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасига эга бўлиши керак.

9 та кичик дўконимиз бор, озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиламиз. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида шифокор рецептсиз бериладиган айрим дори воситаларини сотмоқчимиз. Масалан, гематоген, тримол, йўталга қарши, мукалтин, доктор МОМ ва ҳ.к. Дори воситаларини сотиш учун лицензияга эга эмасмиз.

Озиқ-овқат маҳсулотлари дўконидида шифокор рецептсиз бериладиган дори воситаларини сотиш мумкинми?

Дори-дармон – фақат дорихоналарда

– Йўқ, озиқ-овқат маҳсулотлари дўконидида дори воситаларини сотиш мумкин эмас.

Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фақат дорихоналар ҳамда уларнинг филиаллари томонидан амалга оширилади. Шифокор рецептсиз бериладиган дори воситалари ҳам ушбу дори воситаларига киради («Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси). Дори воситалари ва тиббий буюмларни дорихоналардан ташқарида сотиш тақиқланади (Низомнинг 10-банди, ВМнинг 6.04.2017 йилдаги 185-сон қарорига 2-илова).

Сабоҳат Султонова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Тўлиқ ширкат устав капиталини кўпайтирмоқчи

Ягона муассисга эга тўлиқ ширкат муассис томонидан қўшимча қўйишдан мол-мулк (материаллар) ҳисобига устав фондини кўпайтирмоқчи. Қандай ҳужжатлар керак бўлади?

– Ягона иштирокчига (муассисга) эга бўлган тўлиқ ширкат, агар унинг ягона иштирокчиси ширкатнинг ягона иштирокчисига айланган пайдан эътиборан 6 ой ичида ширкатга янги иштирокчиларни қабул қилмаган ва (ёки) ширкат фаолиятини молиялаштириш тўғрисида ҳисса қўшувчилар билан шартномаларни имзолаб, коммандит ширкат тузмаган бўлса, қайта тузилиши ёки тугатилиши лозим («Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддаси 2-қисми).

Ширкат иштирокчилари (муассислари) томонидан қўшимча ҳиссалар қўйиш ҳисобига ширкатнинг устав фондини (капиталини) кўпайтириш учун қуйидагиларни амалга ошириш (Қонуннинг 13-моддаси):

➤ иштирокчиларнинг умумий йиғилишида қарор қабул қилиш, унда қуйидагилар белгиланиши керак:

қўшимча ҳиссаларнинг умумий қиймати;

ширкат ҳар бир иштирокчисининг қўшимча ҳиссаси қийматининг миқдори;

иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссаларни қўйиш муддати;

➤ ширкатнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш билан бир вақтда ширкатнинг устав фонди миқдори кўпайтирилиши муносабати билан таъсис шартномасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

➤ иштирокчилар томонидан қўшимча ҳиссаларни қўйишнинг муддати тугаган кундан эътиборан 1 ойдан кечиктирмай:

ширкат иштирокчиларининг қўшимча ҳиссаларини қўйиш яқунларини тасдиқлаш ҳақида;

ширкат устав фонди миқдорини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартишларни таъсис шартномасига киритиш тўғрисида ширкат иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан бир овоздан қарор қабул қилиш;

➤ таъсис шартномасига киритилган ўзгартишлар ширкат иштирокчиларининг умумий йиғилишида тасдиқланган кундан эътиборан 1 ойдан кечиктирмай Давлат хизматлари марказига: ўзгартишлар киритилган таъсис шартномасини (янги тахрирдаги); ширкат иштирокчилари томонидан қўшимча ҳиссалар тўлиқ миқдорда қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни (сизнинг ҳолатда ширкат устав фондига мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномасини);

давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатини тақдим этиш зарур.

Азим Ажибеков, «Norma» МЧЖ эксперти.

Александр Лобанов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Паспорт йўқотганда нима қилиш керак

Президентнинг 28.08.2018 йилдаги ПФ-5528-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомига (5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Пропискасиз шахслар паспорт олиш учун қаерга мурожаат қилишлари лозим

Умумий қоидаларга кўра, паспорт олиш учун доимий рўйхатда ёки консуллик ҳисобида турган жойга мурожаат қиладилар.

Қўшимчаларга мувофиқ, доимий рўйхатга олинмаган фуқаро олдинги рўйхатда турган жойи бўйича маълумотларни йиғиш пунктига ёки пропискага оид маълумотлар мавжуд бўлмаса, ўзи турган жойдаги маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши мумкин.

Доимий рўйхатга олинмаган ҳарбий хизматчи хизматни ўтаб бўлгач, паспорт олиш учун олдинги рўйхатда турган жойи, туғилган жойи ёхуд амалда яшаб турган жойи бўйича маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши мумкин.

Йўқотилганининг ўрнига паспортни қандай олиш мумкин

Тузатишлар билан йўқотилганлари ўрнига паспорт бериш механизми аниқлаштирилди.

Паспортни йўқотиб қўйган фуқаро унга янгисини берадиган маълумотларни йиғиш пунктига зудлик билан хабар бериши лозим. Паспорт йўқолганлиги тўғрисидаги аризалар ҳисобга олиш журналида рўйхатга олинади. Вақтинча хорижда бўлганлар қайтиш гувоҳномасини олиш учун мамлакатимиз консуллик муассасасига мурожаат этадилар.

Миграция ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимида паспорт (ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат) йўқотилганлиги тўғрисида белгиланган шаклдаги маълумотномани беради. Унинг орқа томонига доимий ёки вақтинча рўйхатда турганлиги тўғрисида штамп қўйилиши мумкин.

Республиканинг бошқа ҳудудларидан доимий яшаш жойига келган ва янги яшаш жойи бўйича рўйхатга олингунга қадар паспортини йўқотиб қўйган фуқароларга уларнинг аризаларига кўра ИИО томонидан паспорт йўқолгани ҳақидаги иш очилади. Янги паспортлар доимий яшаш мақсадида келган жойда уларни рўйхатга қўйиш асослари мавжуд бўлган тақ-

дирда берилади. Рўйхатга олишга асослар мавжуд бўлмаса, паспорт рўйхатдан чиқишни бекор қилган ҳолда олдинги рўйхатдан ўтган жойидаги ёки унга асослар мавжуд бўлганда бошқа янги рўйхатдан ўтиш жойида берилади.

Янгиси берилгунга қадар йўқолган паспорт топилса, паспорт йўқолгани ҳақидаги иш юритиш тугатилади, янгиси берилгандан кейин топилса – топилган паспортни зудлик билан ИИОга топшириш зарур.

Янгиси қанча муддатда берилади

Йўқолгани ўрнига янги паспорт у йўқолгани ҳақида ариза берилган кундан бошлаб 1 ой ичида берилади. Бироқ ҳудудий ИИО раҳбарияти уни яна 1 ойга узайтириши мумкин.

Бундай аризаларни кўриб чиқиш муддати фақат истисноли ҳолларда 6 ойгача узайтирилиши мумкин:

- бошқа ички ишлар органларидан жавоблар келмаганда;
- аризачининг касаллиги;
- аризачининг яшаш жойида узоқ муддат бўлмаганлиги.

Ярим йилдан ортиқ муддатда жавоб келмаганида, фуқаронинг шахси текширилади ва ундан кейин паспорт берилади.

Паспортни йўқотганлик учун қачон жавобгарликка тортмайди

Эслатиб ўтамиз, паспортни авайлаб сақлаш – қонун талаби. Паспортни бепарволик билан сақлаш оқибатида унинг йўқолиши ЭКИХнинг 1/2 қисмидан 3 бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 223-моддаси 1-қисми).

Бироқ айрим ҳолларда юқорида кўрсатилган жавобгарликка тортмайди.

Биринчидан, паспорт ўғирланган бўлса, бу ҳақидаги ариза (жиноят содир этилган жойидаги ёки жабрланувчининг яшаш жойидаги) ҳудудий ИИОнинг навбатчилик қисми ходимлари томонидан қабул қилинади. Фуқарога тегишли маълумотнома берилади, шундан кейин у маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Иккинчидан, жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан ва табиий офатлар (ёнғин, сув тошқини, zilzila ва бошқалар) оқибатида паспортлари йўқолганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат этган шахслар ҳам маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



Бу ҳолда мазкур ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилади.

Яна жавобгарлик ҳақида...

Паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги нормаларга тузатиш киритилди:

а) паспорт тизими қоидаларига риоя этилиши учун масъул бўлган шахслар томонидан фуқароларнинг паспортсиз ёхуд вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтмаган ҳолда яшашига йўл қўйганлиги учун жавобгарлик бекор қилинмоқда.

Бироқ ўз турар жойларида паспортсиз ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларсиз, вақтинча ёки доимий пропискасиз яшашига йўл қўйган фуқароларнинг жавобгарлиги сақланиб қолади (МЖТКнинг 223-моддаси 3-қисмига қаранг);

б) паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспортга эга фуқароларни, шунингдек вақтинча ёки доимий пропискасиз яшовчи фуқароларни ишга қабул қилганлик учун жавобгарлик бекор қилинмоқда. Ушбу қисмда ҳужжат 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармоннинг 10-бандига мувофиқлаштирилган.



Юқорида баён этилган тузатишлар («а» ва «б» бандлари) айти пайтда кўпроқ юридик кучга эга бўлган юқори туровчи ҳужжатлар – Меҳнат кодекси (паспортсиз ёки пропискасиз шахсларни ишга қабул қилиш қисмида, МКнинг 80-моддасига қаранг) ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга (МЖТКнинг 223, 223²-моддалари) мувофиқ келмайди. Расмий-юридик нуқтаи назардан олганда, ушбу санкциялар МЖТКдан чиқариб ташлангандан кейингина тўлиқ бекор қилинади.

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан кимлар Ўзбекистон минтақаларида прописка қилиниши мумкин

Президентнинг 28.08.2018 йилдаги ПҚ-3924-сон қарори чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган.

Бу – муҳим! Мазкур ҳужжат Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида прописка олиш тартибига таътиқ этилмайди. Пойтахт ва пойтахт вилоятида прописка қилиниш ҳуқуқига эга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар рўйхати илгари тасдиқланган (Низом, ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 2-илова). Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қабул қилинган ҳужжат таътиқ этилмайди: уларни доимий прописка қилиш шартлари ва тартиби ўзгармади.

Хабарда бошқа мамлакатлардан келган ва Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Тошкент вилоятдан ташқари) доимий прописка олиш ҳуқуқига



эга шахслар тоифаси рўйхати келтирилади. Уларга қуйидагилар киради:

➤ қонун ҳужжатларига мувофиқ сотиб олинган уй-жойга эга бўлган чет эл давлатларининг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар – хусусий мулк қилиб олинган уй-жойга;

➤ қариндошлар – мазкур рўйхат кучга киргунга қадар ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида;

➤ эр (хотин) – хотини (эри) доимий прописка қи-

линган уй-жой майдонида, башарти камида 5 йил биргаликда яшаётган бўлса;

➤ васийлик ва ҳомийликдаги шахслар – васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдонида;

➤ ота-онаси бўлмаган вояга етмаган туғилган ака-ука ва опа-сингиллар – ўзларининг туғилган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида;

➤ давлат ташкилотларига ишга тақлиф этиладиган мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) – мазкур шахслар лавозимда турадиган даврга;

➤ Ўзбекистонда туғилган ёки илгари доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар – доимий яшаш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга (Тошкент вилоятдан ташқари) қайтиб келганида.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

Текшириш ўтказиш ҳақида ариза

Акам Тошкентда туғилган, бувимизникида доимий пропискадан ўтган, навоийлик қизга уйлانган. Тўйдан кейин 6 ой ўтгач улар ажралишди, бироқ собиқ хотини доимий пропискани расмийлаштириб, бувимизникида яшаб келаяпти.

Тошкентдаги бувимизнинг турар жой майдонида собиқ келиннинг ноқонуний пропискадан ўтганлигини исботлаш учун қарга мурожаат қилишимиз керак?

Гулнора Р. Тошкент ш.

— Тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ва ҳақиқатга мувофиқ бўлмаган маълумотлар аниқланган тақдирда, шунингдек Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлиш учун асос бўлган ҳужжатлар қалбақлаштирилган тақдирда доимий прописка ИИО томонидан бекор қилинади. Кейинчалик материаллар тергов органларига юборилади (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўхатдан ўтказилган Йўриқ-номанинг 29-банди).



Шу тариқа, собиқ келиннинг ноқонуний прописка қилинганлиги далилини тасдиқлаш учун бувингиз пропискадан ўтган жойдаги паспорт столи раҳбарига текшириш ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чора кўришни сўраб ариза билан мурожаат қилишингиз зарур. Уни ўтказиш давомида: прописка қилинган санада турар жой ҳужжатлари мавжудлиги, бувингизнинг собиқ келини доимий пропискадан ўтказишга ёзма розилик бергани, пропискадан ўтказиш пайтида паспорт столида шахсан ҳозир бўлгани; доимий пропискани қайси ходим расмийлаштиргани; собиқ келин акангиз билан никоҳи бузилгандан кейин бувингизникида доимий пропискадан ўтишга ҳақли бўлган-бўлмагани текширилиши шарт («Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонун).

Онамнинг квартираси

Олам билан Тошкентдаги квартирада яшаймиз, у РФда яшаётган ва айти пайтда Ўзбекистон фуқароси бўлмаган онамнинг номига расмийлаштирилган.

Онам квартирани бизнинг номимизга қайта расмийлаштириб бера оладими?

Р.А. Тошкент ш.

— Ўзбекистонда мулк ҳуқуқ тан олинади ва қонун билан муҳофаза этилади («Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси).

Қуйидагилар мулк объектларидир: республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, иморатлар ва иншоотлар, маҳсулотлар, турар жой ва квартиралар, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, интеграл микросхемаларнинг

топологияси, селекция ютуқлари, маҳсулот белгилари, асбоб-ускуналар, моддий ва маънавий маданият буюмлари, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар; инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти (Қонуннинг 3-моддаси).

Шу сабабли, онангиз Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанига қарамай, Ўзбекистондаги квартирасига мулк ҳуқуқини сақлаб қолган ва исталган пайтда шахсан ёки ишончли вакили орқали у билан нотариал тасдиқланган ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Паспортдаги хато

Янги намунадаги паспортда никоҳ қайд этилган йил нотўғри кўрсатилган.

Паспортни алмаштирмай, штампни ўзгартириш мумкинми?

Корелов. Тошкент ш.

— Биометрик паспортдаги фуқаронинг оилавий ҳолати тўғрисидаги штампни қайта қўйиб бўлмайди, сабаби кўрсатилган ҳаракат тузатиш ҳисобланади ва паспорт нуқсонли бўлишига олиб келади.

Паспорт олаётганингизда паспортга киритилган маълумотлар ва қайдларнинг тўғрилигини текширишингиз керак эди.

Ўша пайтда паспортдаги ёзув ёки қайд нотўғрилигини ёхуд паспорт бўлинимаси ходимлари йўл қўйган хатони толганингизда, мазкур ходимлар ҳисобига бошқа паспорт берган бўлар эдилар.

Сизнинг ҳолатда нуқсон сабабли паспорт алмаштириш умумий асосларда амалга оширилади.

Муаммосиз уйга етиб олиш учун

Хорижда стикернинг амал қилиш мuddати тугади.

Қайтиш чоғида муаммога тўқнаш келмаслик учун Ўзбекистон Элчихонасида унинг амал қилиш мuddатини узайтиришим мумкинми?



— Чет элга вақтинча яшашга кетган (хизмат сафарига, ўқишга, даволанишга, контракт бўйича ишлашга) ва Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхонасида ёки консуллик муассасасида вақтинча консуллик ҳисобида турган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари паспортнинг амал қилиш мuddати тамом бўлганлиги ҳамда паспортда белгилар ва визалар қўйиш учун varaқлар тугаганлиги, паспорт яроқсиз ҳолга келганлиги ёки йўқолганлиги, шунингдек стикерни расмийлаштириш муносабати билан паспорт алмаштирилган ҳолларда ЎзРнинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига ва консуллик муассасаларига белгиланган шаклда ариза билан мурожаат қиладилар.

Шу тариқа, вақтинча консуллик ҳисобида турсангиз, стикерни расмийлаштириш учун дипломатик ваколатхонага ёки консуллик муассасасига белгиланган тартибда ҳужжатларни тақдим этишингиз мумкин.

Стикернинг амал қилиш мuddати чет элда тамом бўлиши Ўзбекистонга киришда, шунингдек бир хорижий давлатдан бошқасига сафар қилиш-

да жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кириш визаларини расмийлаштириш талаб этилмайдиган хорижий давлатлардан бошқа хорижий давлатларга сафар қилиш бундан мустасно (Тартибнинг 7-банди, ВМнинг 6.01.1995 йилдаги 8-сон қарорига 1-илова).

Чет элга чиқиш учун рухсатнома ёзуви стикерининг амал қилиш мuddати хорижда бўлган пайтда тугаганда Ўзбекистонга муаммосиз қайтиб кела оласиз.

Бир том остида

Қариндошим 2015 йилда квартирасини сотиб, у ердаги пропискадан чиқди, шундан кейин ҳеч қерда доимий пропискадан ўтмади (турли манзилларда вақтинча пропискадан ўтди). Айти пайтда ҳеч қерда прописка қилинмаган. Кўчиш дастурига ариза бермоқчи бўлганида пропискаси бўлмагани учун Элчихонадагилар ҳужжатларини қабул қилмадилар.

Қариндошлариникида ҳеч бўлмаса вақтинча пропискадан ўтишга ҳақими?

Р.П.

— Қариндошингиз пропискадан ўтишнинг бошқача тартиби жорий этилган ва пойтахтда бўлишга чекловлар белгиланган Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари, Ўзбекистоннинг исталган минтақасида доимий пропискадан ўтишга ҳақли.

Қуйидаги Ўзбекистон фуқаролари, яшаш жойи майдони қанчалигидан қатъи назар, доимий рўхатдан ўтиш ҳуқуқига эга:

- турар жой мулкдори;
- ота-оналар — фарзандларининг яшаш жойига;

- хотин (эр) — эри (хотини)нинг яшаш жойига;
- вояга етмаган фарзандлар ва васийликка олинганлар — ота-оналарининг ва васийларининг яшаш жойларига;

- ўз оилаларига эга бўлмаган ёки вояга етмаган фарзандлари бўлган, аммо никоҳдан ўтмаган вояга етган фарзандлар — ота-оналарининг яшаш жойларига;

- вояга етмаган ва ота-онаси бўлмаган туғилган ака-укалар ва опа-сингиллар, шунингдек ёшидан қатъи назар, меҳнатга лаёқатсиз туғилган ака-укалар ва опа-сингиллар, агар улар ўз оилаларига эга бўлмасалар — акаси ва орасининг (укаси ва синглисининг) яшаш жойига;

- илгари мазкур аҳоли пунктида яшаган, меҳнат шартномаси бўйича ишлаш учун вақтинча бошқа жойга кетган шахслар, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларига кўра вақтинча бошқа жойга кетганда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қоладиган фуқаролар — илгариги турар жойларига ёки қариндошлариникига (Низомнинг 42, 44-бандлари, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Санжар Хўжаҳмедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Реклама



**Ўзбекистон
Республикаси
қонунчилиги**

www.norma.uz

Автомобиль ойнасининг тусини ўзгартиришга рухсатнома қандай олинади

ИИБ, Бош прокуратура ва ДХХнинг қарори (рўйхат рақами 3059, 25.08.2018 й.) билан энгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 18.07.2018 йилдаги 547-сон қарори билан жорий йилнинг 1 августидан бошлаб жисмоний ва юридик шахслар автомобиллари ойналарининг тусини ўзгартиришга пулли асосда рухсат берилди.

Рухсатнома қаерда ва қандай олинади

Ойнанинг тусини ўзгартириш учун рухсатнома ҳудудий ДИХХнинг рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлими (бўлим, бўлими, пункт)лари томонидан ўзининг хизмат кўрсатиш ҳудудида рўйхатга олинган автомобиллар учун берилади.

Ойналарнинг тусини ўзгартириш ИИБ ҳузуридаги «Инновацион лойиҳалар ва аҳолига сервис хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК филиаллари томонидан амалга оширилади.

Эътибор беринг!

Авто олд ойнасининг тепа қисми тусини энди 14 см дан кўп бўлмаган ва ёруғлик ўтказувчанлиги 30%дан кам бўлмаган полоса шаклида ўзгартиришга рухсатнома олиш талаб этилмайди. У авто эгаси томонидан мустақил равишда амалга оширилиши мумкин.

Қуйидагилар рухсатнома олиш учун тасдиқланган шаклда ариза беришлари мумкин:

- жисмоний ва юридик шахслар – резидентлар;
- чет эл фуқароси ёки Ўзбекистонда яшаш мақомига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахс ёки чет эл фуқаросининг ИИОда доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи қайд этилган миллий паспортга эга бўлган шахс;

➤ чет эл давлатларининг мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи ваколатхоналари ёки юридик шахслари.

Аризага:

- 1) авто эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;
- 2) автомобилнинг эгасига тегишлилигини тасдиқловчи (техник паспорт, техник талон) рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- 3) юридик шахсларга тегишли бўлган автомобиллар ойналарининг тусини ўзгартиришга рухсатномани олишга ишончнома ва ишончнома берилган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
- 4) тўлов амалга оширилганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати илова қилинади.

Рухсатнома 1 йил муддатга берилади. Эгаси уни амал қилиш муддати тугашидан олдин фойдаланишдан воз кечган тақдирда, тўловнинг қолган қисми қайтарилмайди.

Рухсатнома тегишли ДИХХ ҳудудий бўлинимасига хизмат кўрсатувчи Марказ филиалига ишларни амалга ошириш мақсадида бериш учун мурожаат этувчи шахсга берилади.

Филиал томонидан тасдиқланган давлат стандартига мувофиқ ойналарнинг тусини ўзгартириш ишлари бажарилади, рухсатноманинг орқа томони тўлдирилади, имзоланади ва шахсий штамп босилади. ДИХХнинг ҳудудий бўлинимаси ходими автонинг ҳисобга олиш (электрон ва қоғоз шаклдаги) маълумотларига тегишли ўзгартиришлар киритади: берилган рухсатноманинг серияси, рақами, берилган жойи, вақти ва амал қилиш муддати.

Бу – муҳим! Барча ишлар аризани қабул қилишдан бошлаб рухсатнома берилгунга қадар 2 соат ичида амалга оширилиши шарт.

Рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш уни бериш учун назарда тутилган тартиб асосида амалга оширилади.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР



Ойнанинг тусини ўзгартиришга тақиқ ва рухсатномани қайта расмийлаштириш

Қуйидаги ҳолларда ойналарнинг тусини ўзгартириш рад этилиши мумкин:

- ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;
- тақдим этилган ҳужжатларда ҳаққоний бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар кўрсатилганда;
- автонинг ойналарида тусини ўзгартириш имконини бермайдиган механик шикастланишлар мавжуд бўлганда.

Автонинг эгаси ўзгарганда янги эгасига аввалги рухсатноманинг қолган амал қилиш муддатига ДИХХ органларида қайта рўйхатдан ўтказиш вақтида қайта расмийлаштириб берилади. Аввал берилган рухсатнома авто қайта рўйхатга олинаётган жойдаги ДИХХ бўлинимасига топширилиши шарт. Рухсатномани қайта расмийлаштириш учун ЭКИХнинг иккидан бир қисми миқдорида тўлов ундирилади.

Қайта расмийлаштириш:

- автони қайта жиҳозлаш, давлат рақам белгиси ва рўйхатга олиш гувоҳномаси ўзгартирилганда;
- жисмоний шахснинг фамилия, исми, шарифи ўзгарганида, юридик шахс қайта ташкил этилганда, унинг турар жойи (почта манзили) ёки номланиши ўзгартирилганда;
- ойналарнинг туси ўзгартирилганда ҳам амалга оширилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 26.08.2018 йилдан қўлга кирди.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

УЛАРДА ҚАНДАЙ

Янги авлод ҳужжати

Россия ИИБ ҳайдовчилик гувоҳномалари ва транспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш шаходатномаларини электрон ахборот ташувчилар билан жиҳозлашни таклиф қилмоқда.

Бу ҳақда «Новости» РАА вазирлиқнинг расмий вакили Ирина Волкка хавола қилган ҳолда хабар берди. «Россия ИИБ янги авлод ҳужжатларининг намуналарини тасдиқлайдиган ва уларни расмийлаштиришга доир талабларни белгилайдиган идоравий буйруқнинг лойиҳасини ишлаб чиқди», – тушунтириш берди И. Волк.

Янги авлод ҳужжатлари микрочип, шунингдек бир қатор қўшимча ҳимоя даражалари билан жиҳозланади. Улар пластик асосдан тайёрланган бўлиб, тепа ва пастки қатламлари лазероактив бўлади. Янги ҳужжатларни техник имконияти мавжуд бўлган ДАН бўлинималари бера олади.

Бундан ташқари, ИИБ ҳужжатлар номларининг («Ҳайдовчилик гувоҳномаси» ва «Рўйхатдан ўтказиш тўғрисида шаходатнома») ёзувларини қўшимча равишда инглиз ва француз тилларида таржима қилишни таклиф қилмоқда.

Дарвоқе, ҳозирда россияликларга 2011 йилги намунадаги гувоҳномалар берилмоқда. 2014 йилда ҳужжатга бироз янгиликлар киритилди: унда «АТ» белгиси қўйиладиган бўлди (ҳайдовчи фақат автомат режимида юришни билган тақдирда), энди эса кичик тоифалар юзага келганлиги сабабли тоифалар рўйхати анча кенгайди.

2011 йилга қадар автомобилчиларга икки форматдаги –

148 x 105 мм ҳажмдаги ламинацияланган қоғозли гувоҳномалар ва 85 x 55 мм ҳажмдаги пластик карточкалар берилган. Ҳар икки форматдагисида ҳам «Permis de conduire» ёзуви бўлган, шунинг учун уларни, қоғоз тарихида, ҳатто чет эл полицияси ва прокат идоралари ҳам эътироф этишар эди.

Россияда е-ФЖМСни расмийлаштириш тартиби соддалашди

Россия банки ФЖМС тўғрисидаги электрон шартномани тузишнинг янги тартибини тасдиқлади.

РФ МБ сугурта қилдирувчи сугурталовчининг сайтига юклайдиган ҳужжатларнинг сканерланган нусхаларига талаблар қўйди, е-ФЖМС шартномаси у тузилган кундан бошлаб 3 кундан олдин қўлга кира олмайди қайдани амалга киритди, шунингдек, бир телефон рақамига сугурталовчининг сайтида сугурта қилдирувчининг фақат битта шахсий кабинети рўйхатдан ўтказилиши мумкинлигини белгиледи.

Бундан ташқари, оддий электрон имзонинг калити фақат лотин ҳарфи ва рақамлардан иборат бўлиши лозим. Бу автомобиль эгаларини сугурталовчининг сайтида рўйхатдан ўтказишда содир бўладиган чалкашликларнинг олдини олишга имкон беради. (Айнан шу сабабдан кўпгина автомобилчилар полисни расмийлаштира олмадилар).

«Россия банки томонидан тасдиқланган янгиликлар ФЖМСнинг электрон шартномаларини тузиш жараёнини соддалаштиришга ёрдам беради ва автомобиль эгалари учун электрон сотувлар хизматини анча қўлай қилади, шу билан бирга, сугурта бозори иштирокчилари томонидан бўладиган суиистеъмоликларнинг олдини олишга ҳамда қаллобликларга қарши курашишга ёрдам беради», – МБ вакилининг сўзларини келтиради ТАСС.

Манба: auto.mail.ru.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Хорижий автоташувчиларнинг ХИТ тартибидан фойдаланиши нима сабабдан тақиқланиши мумкин

Тегишли Низом Вазирлар Маҳкамасининг 17.08.2018 йилдаги 673-сон қарори билан тасдиқланган. Унда хорижий автоташувчиларни ХИТ китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенцияси (Женева, 14.11.1975 йил) низомларидан мамлакат ҳудудида фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва бундай ҳуқуқни тиклаш тартиби белгиланган.

Ўзбекистон ушбу Конвенцияга 1995 йилда аъзо бўлган (31.08.1995 йилдаги ОМҚ), 1996 йил 28 мартдан бошлаб эса у мамлакатимиз учун кучга кирган. Шу йилдаёқ уни қўллаш тартибини белгилловчи Низом (АВ томонидан 10.12.1996 йилдаги 290-сон) тасдиқланган.

Халқаро йўлларда ташиш (ХИТ) тартибига риоя этган ҳолда ташиладиган товарлар оралиқ божхоналарда:

- кириш ёки чиқиш божлари ва солиқларини тўлашдан ёки депозитидан озод қилинади;
- пломбланган йўл транспорт воситаларида, уларнинг таркибларида ёки контейнерларида ташиш, одатда, божхона кўригидан озод қилинади.

Бундан ташқари, ХИТ китобчаларини божхонада расмийлаштирилганлик учун йиғимлар ундирилмайди.

ХИТ бир неча жўнаш ва бориш божхоналари орқали амалга оширилиши мумкин, бироқ уларнинг умумий сони 4 тадан ошмаслиги керак.

Жорий йилнинг 19 ноябидан бошлаб хорижий автоташувчилар қуйидаги ҳолларда Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин:

- 1) ХИТ тартиби бузилганлиги муносабати билан божхона тўловларини тўламаслик;
- 2) Конвенция низомларининг бир неча бор бузили-

ши ва (ёки) божхона қонунчилиги талабларига риоя қилмаслик. Уларга қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон божхона чегараси орқали товарларнинг ноқонуний олиб ўтилиши;
- божхона назоратидаги товарларни республика божхона ҳудудида белгиланган етказиб бериш жойига етказмаслик, божхона органлари рухсатсиз божхона назоратидаги товарларни бошқа шахсларга бериб юбориш ёки уларни йўқотиш;
- Ўзбекистон божхона ҳудудидан чиқариб юборилишига рухсат берилган товарларни ишлатиш ва (ёки) уларга эгалик қилиш;
- белгиланган муддатларда халқаро ташувдаги транспорт воситаларини Ўзбекистон божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетмаслик.

Хуқуқдан маҳрум қилиш тартиби

Хуқуқдан маҳрум қилиш бўйича қарорни ҳудудий божхона бошқармаларининг таклифлари асосида Давлат божхона қўмитаси қабул қилади. Улар ДБКга 3 кун муддатда юборилади:

- божхона органи томонидан ХИТ тартиби бузилганлиги муносабати билан ундириш бўйича қарор қабул қилинган санадан 30 календарь куни ўтгандан сўнг божхона тўловлари тўланмаганда;
- ташувчи ва (ёки) унинг ваколатли шахсига нисбатан маъмурий жазо қўллаш бўйича қарор ёхуд ташувчининг ваколатли шахсига нисбатан жиноий иш бўйича қарор қонуний кучга киргандан сўнг, бундай суд қарорлари ижро этилмаган тақдирда.

Хуқуқдан маҳрум қилиш бўйича қарор ҳудудий божхона бошқармалари, ташувчи, ХИТ Ижроия кенгаши, Кафолат бирлашмаси ва ташувчи ташкил этилган ёки доимий манзилгоҳи жойлашган давлатнинг ваколатли органи манзилларига юбориладиган ДБК хатларига мувофиқ расмийлаштирилади.

Фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш

Ташувчиларда ДБКнинг қарорига мувофиқ Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқи тикланиши мумкин:

1) ушбу ҳуқуқдан маҳрум қилиш учун асос бўлган сабаблар бартараф этилган қуйидаги ҳолларда:

- божхона тўловлари тўланиши ёки уларни ундириш;
- ташувчини божхона қонунчилигини бузганликда айбдор деб топиш тўғрисидаги суд қарорининг бекор қилиниши;
- ташувчини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорнинг ижро этилиши;
- 2) Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин бўлган божхона қонунчилигининг бошқа бузилиш ҳолатлари мавжуд бўлмаса.

Фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш учун ташувчи ҳудудий божхона бошқармаларига эркин шаклда ёзма равишда ариза бериши керак. Аризага ҳуқуқдан маҳрум қилиш сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Сўнгра ариза ДБКга тақдим этилади, у қарор қабул қилади. Кўриб чиқиш муддати — 10 иш кунидан ортқ эмас.

Эътибор беринг!

ДБК Конвенция низомларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки бундай ҳуқуқни тикланган ташувчиларнинг рёестрини белгиланган шаклда юртади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 19.11.2018 йилдан кучга киради.

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

УЛАРДА ҚАНДАЙ

Электротранспорт назорат остида

РФ Давлат думасининг депутатлари сегвейлар ва гироскутерларни рўйхатга олишни таклиф қилишмоқда. Ҳозирги кунда бундай транспорт воситаларида ҳаракатланиш тартибга солинмаган, ваҳоланки, улардан ҳаётда кенг фойдаланилаети.

Биз автомобилларни жуда яхши кўрамыз ва улардан воз кечмоқчи ҳам эмасмиз. Лекин уларга муқобил маркаблар пайдо бўлиши — мақбул ҳолат.

Шахсий электротранспортни (сегвейлар, гироскутерлар, моногилдираклилар) рўйхатга олиш, шунингдек, йўл ҳаракати қоидаларини улар эгаларининг хатти-ҳаракатларини тартибга солувчи бандлар билан тўлдирish таклифи билан Давлат думасининг «ЛДПР»дан бўлган депутати Василий Власов чиқди. Сийёсатчи ўз мурожаатномасини Россия ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бош бошқармасининг бошлиғи Михаил Черниковга йўллади, деб ёзади РАА.

Шу ўринда сийёсатчи норматив-ҳуқуқий тартиблаштириш доимо техника раққиётидан ортда қолишини эътироф этиб, шу туфайли «фан ва техниканинг янги қақирқларига иложи борица тезкор жавоб беришга тайёр туриш керак»лигини таъкидлаган.

Эслатиб ўтамыз, депутатлар сегвейларни транспорт воситаларига тенглаштириш зарурлигини ЙХХДИдан биринчи марта сўраётганлари йўқ. Ўтган йили ҳам Давлат думасида тротуарлар бўйлаб тезлиги 25 км/соатни ташкил этувчи воситаларда ҳаракатланаётганларни йўловчилар деб аташ тўғри эмаслигини қайд этишган эди. Лекин ўшанда ЙХХДИда бу фикрга қўшилишмаган: жавоб хатида инспекторлар ЙХХ нуктаи назаридан роликли конькилар, самокатлар ва бошқа шунга ўхшаш воситалардан (эксплуатацион ва техник тавсифларига кўра уларга, хусусан, сегвейлар, гироскутерлар, моногилдираклилар, электрик самокатларни киритиш мумкин) фойдаланувчи шахслар йўловчилар ҳисобланишини эслатган эдилар.

Қайд этиш керакки, сегвейлар ва шунга ўхшаш бошқа электровоситалардан фойдаланишни тартибга солувчи ягона амалиёт ҳозирча бутун дунёда мавжуд эмас. Масалан, АҚШнинг бир қатор штатларида сегвейларда тротуарлар бўйлаб ҳаракатланишга рухсат берувчи қонунлар бор. Швецияда сегвейлар велосипедларга тенглаштирилган, Японияда эса уларни бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиш лозим.

Интернет материаллари асосида.

«АвтоНорма» бўлимини Алла Ромашко олиб боради.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарход Собирович
ҚҮРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб

Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Самдуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
буйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича — 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашр — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи — 186. Қўзғат бичими — А3. Ҳажми — 4 боёма табоқ. Баҳоюси белгиланган наридди.
Буортма 383. Адади 820. Газета 2018 йил 17 сентябрь соат 16.30 да топирилдди.